O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 20-iyul • N29—30 (3618)

МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожининг беқиёс аҳамияти ҳақида гап борар экан, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Мазкур муаммони ечиш орқали, яъни биз барча юртдошларимизни тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишида зарур шарт-шароитни яратиб берар эканмиз, шу билан жамиятимизни сиёсий, иқтисодий ва, керак бўлса, маънавий жиҳатдан янгилашнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий вазифани — ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар пировард-натижада ижтимоий-маънавий тараққиётга, ҳар бир фуқаронинг турмуш фаровонлигига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, бинобарин, бу жараённинг узвий жиҳати бўлган хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, кичик ва ўрта биснесни равнақ топтириш масалаларига катта аҳамият берилгани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ҳаётимиздан ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллади. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда кичик ва ўрта бизнесни равнақ топтириш юзасидан кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибасини мисоллар орқали қиёслаб келтирар экан, бу соҳага кенг йўл очиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишини таъминлаш йўлларидан бири эканлигига эътиборни жалб этди.

Дарҳақиқат, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги "Файз" фермер хўжалиги, Ромитан туманидаги мева ва полиз маҳсулотлари шарбатини олишга ихтисослашган қўшма корхона, Тошкент шаҳридаги "Ҳуромад" хусусий корхонаси, яна ўнлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ўрта ва кичик бизнес субъектлари кўп йиллардан буён иқтисодиётни кўтарувчи истиқболли йўналишлардан эканлигини амалда исботлаб келмоқда. Бу тармоқлар аҳолини юқори унумли ва даромадли иш билан таъминлаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида қўйган қадамлар кўпчиликка маъқул бўлаётир.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда бу тармоқларни янада равнақ топтиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Масалан, Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда айтиб ўтилганидек, ҳозир бизда меванинг атиги 15, сабзавотнинг 10, полиз маҳсулотларининг 5, узумнинг 23, терининг 26, жуннинг 15, гўштнинг 25, сутнинг 5 фоизигина қайта ишланаётган экан. Хусусий тадбиркорларимиз, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган юртдошларимиз айнан мана шу соҳаларда қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишлари ниҳоятда истиқболлидир. Юқорида тилга олиб ўтганимиз Ромитан туманидаги Фарҳод Латипов бошқарувчилик қилаётган мева ва полиз маҳсулотлари шарбатидан экстракт тайёрлашга ихтисослашган кичик қўшма корхона ёзнинг айни пишиқчилик даврида тез бузиладиган помидор, олма, ўрик каби турли мева ва полиз маҳсулотларини аҳоли ва хўжаликлардан арзон баҳоларда қабул қилиб, уларнинг шарбатини қайта ишлаш натижасида қимматбаҳо шинни- экстрактлар ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотларга эса халқаро бозорда талаб жуда катта. Мамлакатимизда сероб бўлган хомашё ресурсларини қайта ишлаб саноат маҳсулоти ишлаб чиқарадиган, бу билан аҳолини иш билан таъминлаш ва моддий манфаатдорликни ошириш, реал даромадларни доимий равишда кўтариб бориш имкониятларини яратадиган бундай кичик корхоналарни эса аслида мамлакатимизнинг ҳар бир туманида ташкил этиш мумкин.

Айни пайтда бу соҳани янада равнақ топтириш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу, энг аввало, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка нисбатан муносабатни ўзгартириш масаласидир. Бу муносабатнинг тўғри шаклланишига эса жойларда шу турдаги фаолият билан шуғулланувчилар ва тадбиркорлар дуч келаётган маҳкамачилик, тўрачилик, таъмагирлик ҳоллари тўсиқ бўлаётир. Кўп ҳолларда тадбиркорлар рўйхатдан ўтиш, банкдан зарур кредитларни олишда расмиятчилик ҳолларининг ҳаддан зиёд ошиб кетганлигидан шикоят қиладилар. Расмиятчиликнинг ошиши эса ўз-ўзидан ҳар хил ғайриқонуний ишларга, таъмагирликка йўл очишини ҳаёт тажрибалари рўй-рост кўрсатиб турибди. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз бу борадаги мавжуд мураккабликларни бартараф этиш учун **"кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги ҳозирги рухсат бериш тартибидан уларни тадбиркорлик аризаси асосида тасдиқлаш тартибига тезроқ ўтиш керак"**, деб таъкидлади.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини текширувчи органлардан ишончли ҳимоя қиладиган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарурлиги, айни пайтда, тадбиркорларнинг ўзлари томонидан технологияни мунтазам янгилаб маҳсулот сифатини ошириб бориш, товарлар рекламасига аҳамият бериш, банклар учун тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш каби долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, аҳолининг айрим қатламларида ҳамон яшаб келаётган боқимандалик кайфиятига барҳам бериш, кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб, ҳалол меҳнат билан ўзи ва оиласи истиқболини таъминлаш, бинобарин, миллий фаровонликка эришишнинг асосий йўлларидан бири мулкдорлик санъатини эгаллаш экан, бу мезон ижтимоий-маънавий муҳитимизда муҳим жараёнга айланиши шубҳасиздир.

М.АБДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ БАХТИ

Машҳур санъаткоримиз, беназир овоз соҳибаси Ҳалимахоним Носирова хонадонига йўл олар эканман, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов айтиб берган бир ҳикоя ёдимга тушди. "Ўшанда Фарғона канали қурилаётганди, — деб эслаганди Зикир ака. — Барча машҳур санъаткорлар умумхалқ ҳашарига сафарбар этилган. Қурилишдаги муҳим иш босқичларидан бири эртага топширилиши керак, бироқ ҳали анча-мунча ишлар битмаган. Шунда Йўлдош Охунбобоев келиб: "Хўш, иш вақтида битадими? Нима зарур бўлса айтинглар, муҳайё қиламиз", дейди. Одамлар: "Бизга Ҳалима Носирова келиб концерт берсин, ишимиз унади", дейишади. Ўша куниёқ Ҳалима опа келиб жарангдор овози билан эрталабгача булбулдек хониш қилиб, одамларга руҳан мадад берди. Шундай қилиб, ўша участка топширилиб, режа бажарилди".

Ўзбекистон булбули деб ном олган Ҳалима Носированинг санъаткорлик фаолиятида бундай мисоллар кўп.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар машҳур хонанда хонадонига ташриф буюриб, Ҳалимахоним Носирова билан дилдан суҳбат қурганларида ҳам бундай унутилмас хотиралар кўп бор эсланди. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев Ҳалима опага ўз китобини ҳадя эта туриб, устоз санъаткорга бағишланган "Қўшиқ қалби" номли шеърини ўқиб берди. Сўнгра консерватория ректори Равшан Юнусов сўз олиб:

— Сиз консерваториямизда кўп йиллар устозлик қилдингиз, — деди. — Анча йиллар аввал профессорликка тавсия қилинганингизда Москвадагилар доцент бўлмай туриб, профессорликни беролмаймиз, дейишган. Агар ёдингизда бўлса, ўшанда "Аллақачон профессор бўлганман, қоғози шарт эмас", дегандингиз. Мана бугун биз, кечикиб бўлса-да, Сизга "Консерваториянинг фахрий профессори" бўлганингиз ҳақидаги гувоҳномани топшириш учун келдик. Янги биномиз очилишига ҳам борасиз, деган умиддамиз.

Ҳалима опа профессорлик гувоҳномасини қабул қилиб олар экан, қатъият билан: "Худо хоҳласа, янгисига албатта бораман", деди ва хотираларида қолган бир қўшиқни ҳиргойи қилиб бердилар.

— Сиз биринчи бўлиб "Ҳур ўзбек қизиман", деб куйлагансиз, — деди Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Операнинг биринчи тарғиботчиларидансиз. Сизни уюшмамизнинг фахрий аъзоси сифатида эътироф этиш мен учун катта бахт.

— Дарҳақиқат, сиздай, Аброр ака, Шукур ака, Олим ака, Раззоқ акалардай санъаткорлари бор халқ бахтиёрдир, — деди "Ўзбектеатр" раҳбари Муҳаммадали Абдуқундузов. — Қанча санъаткорларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангубердидай улуғ аждодларимиз образларини ятолмай, бу оламдан армон билан ўтиб кетдилар. Мустақиллик бизга жуда катта имкониятлар берди. Бу имкониятларни юзага чиқаришда сиздай санъаткорларимиздан ўрнак оламиз.

Бундай самимий дил сўзлари Ҳалима опани тўлқинлантириб юборди ва у киши дуога қўл очиб шундай деди: "Оллоҳдан юз ёш билан юзлаштиришни тилаб турибман. Сизлардай шогирдларимнинг муваффақиятларини кўрмай туриб бу дунёдан кетгим йўқ. Ўзбек юртининг, ўзбек халқининг доно Президентимиз бошчилигида оламга яна ҳам машҳур бўлишини кўрмоқчиман. Юртимиз жаннат, Парвардигордан ана шу жаннатнинг умрини боқий этишини сўрайман".

Ҳалима опа, илоё ниятингизга етинг. Жаннатмакон юртимизнинг жаннати инсонларидан бўлиб юраверинг, деймиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

БУГУНГИ СОНДА:

ОБИДА

Қадимий ва навқирон Шаҳрисабзнинг тарихий меъморий ёдгорликларига бағишланган қўш саҳифа

3-4-бетлар

АДИБ ТАҚДИРИ
Достон

5

МИРКАРИМ ОСИМ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

6

УСТОЗЛАРНИНГ ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАЛАРИДАН

"САНГЗОР" АНЖУМАНИ

Ўркач-ўркач тоғлар орасида жойлашган Жиззахнинг хушҳаво гўшалари ҳар йили умидли ёш ижодкорларни ўз бағрига чорлайди. Ёзу қиш ямяшил алфозда турадиган арчазорлар, шарқираб оқувчи сойлар, боғу роғлар гўзаллигидан юраклар тўлиб-тошади. Она табиатнинг қадимий оҳанглари кўнгил садолари билан бирлашади, уйғунлашади. Руҳият кенгликларида қанот ёзиб учаётгандек ҳис этасан ўзингни...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида беш йилдан бери ҳар йили ёз фаслида Зомин ва Сангзорда ёш ижодкорларнинг анъанавий семинари ўтказилади. Бу йилги анжуман "Сангзор" оромгоҳида бўлиб ўтди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан, пойтахтимиздан ташриф буюрган ижодкорларни жиззахликлар нон-туз билан қарши олдилар. Анжуман Жиззахнинг буюк фарзанди, оташнафас шоир Ҳамид Олимжон номидаги боғда ўз ишини бошлади.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, таниқли шоиру адиблар Ҳайдар Муҳаммад. Хосият Бобомуродова, Тошпўлат Аҳмад, Абдуқаюм Йўлдошев, Музаффар Аҳмад икки кун мобайнида ёшлар ўқиб-эшиттирган насрий, шеърий асарлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Фарғоналик Нодира Сиддиқова, сирдарёлик Ойдин Турсунова, пойтахтдан Мусаллам Умирова, наманганлик Маҳфуза Йўлдошева, сурхондарёлик Шодмонқул Солиев, бухоролик Шодмон Сулаймон, хоразмлик Насиба Юсупова, жиззахлик Шерзод Рустам ва Сайёра Эргашева, қашқадарёлик Муҳайё Ҳайдарова, қорақалпоғистонлик Нилуфар Сафоева каби ёш шоирлар ғолиб деб топилдилар. Тошкентлик Барно Сиддиқованинг ҳикоялари ва андижонлик Дилором Солиеванинг қиссаси юқори баҳоланди.

Мусаффо табиат бағридаги мушоиралар қизғин ва тароватли ўтди. Айниқса, Рустам Мусурмоннинг халқона усулда ёзган шеърлари, Қўчқор Норқобил, Хосият Рустамованинг кўнгилга яқин мисралари, жиззахлик ижодкорлар Шарофат Ботирова, Сайёра Тўйчиеванинг илиқ сўзларию дилрабо шеърлари даврага ўзгача файз киритди.

Бугунги ўзбек адабиёти хусусидаги баҳсу мунозаралар ёшлар учун бир сабоқ бўлди. Улар услубий ўзгаришлар, шакл ва мазмун борасидаги изланишлар ҳақидаги фикрлашувлардан керакли хулосалар чиқаришгани аниқ. Негаки, бундай анжуманлар тафаккурни янада тиниқлаштиради, кўнгилни илҳомлантиради. Устод шоир Икром Отамурод "Адабиёт — инсоннинг ўзига ўзини англатадиган моҳият" деб тушунтирса, Муҳаммад Юсуф ёшларни жаҳон адабиётидан кўпроқ ўрганишга чорлади.

— Адабиётимизнинг яқин ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, истиқлолдан сўнг улкан ўзгаришлар юз берганини англаймиз, — деди таниқли ёзувчи Йўлдош Сулаймон. — Эшитишимизча, 1934 йилда Чимёнда ёш ижодкорлар анжумани ўтказилган экан. Аммо ундан кейинги даврларда бундай семинарларга

Давоми 2-бетда

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

НАВҚИРОН ОВОЗЛАР

Азим чинорлар тагида, жўшқин сойлар соҳилида, Бахмал боғларида чинакам ёшлик мушоараси янграб турди. Ижодий баҳслар бўлди. Дафтарларда йиғилиб келган ижодий машқлар катта даврада жаранглади. Бу эса ҳар бир ёш ижодкор учун ҳам байрам, ҳам масъулиятли дамлар сифатида унутилмасдир. Турли вилоятлардан келган элликдан ошиқ ижодкор ёшлар ўзларининг завқ-шавқ жўш урган, она юртга муҳаббат туйғулари ила йўғрилган кўркам шеърлари, насрий машқлари билан кўпчилик эътиборини тортдилар. Уларнинг асарларида жонли ҳаёт манзаралари, севгию севинч тўлқинлари самимий алфозда нурланган эди. Биз адабиёт майдонига ўз овозига, ўз созига эга янги бир авлод кириб келаётганини яққол ҳис этдик. Бадиий фикр учқунлари, туйғулар туғёни, нафосатни теран англаш ҳиссиёти ушбу машқларга хос хусусиятдир.

Бу галги учрашув — мазкур анъанавий семинар-кенгашнинг бешинчиси. Мен ушбу анжуманнинг сўнгги учтасида мунтазам қатнашиб, бир неча истеъдодлар туғилишининг гувоҳи бўлдим,

Давоми 2-бетда

"МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ"

Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шиори остида ўтаётган рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари республика танловининг вилоят босқичлари бошланди. Бу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад вилоятлардаги ёш истеъдодларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашдир.

Яқинда Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари марказларида ёш истеъдодлар асарлари кўргазмалари очилди. Танлов шартига кўра ҳар бир вилоятдаги энг сара асарлардан 20 таси республика босқичига танлаб олинади.

Самарқанд вилоятида ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича яратилган Беҳзод Тошпўлатовнинг (14 ёш) "Ўзбек кураши", Ахтам Ёрқуловнинг (14 ёш) "Қиз қувди" асарлари, рангтасвир бўйича Ойша Турғунованинг (18 ёш) "Келин салом" асари айниқса диққатга сазовордир.

Танлов давомида ҳар бир вилоятда ўзига хос ижодий йўналишлар мавжудлигига амин бўлдик. Масалан, жиззахлик Жамшид Ҳасановнинг (14 ёш) "Буғдой пишиғи", Элнора Фозилованинг (13 ёш) "Бешик тўй" асарларида кўпроқ манзарага урғу берилган бўлса, Сирдарё вилоятидан Улуғбек Тўраевнинг (14 ёш) "Навоий Самарқандда", Дилфуза Умарқулованинг (16 ёш) "Ширин боғда" асарларида миниатюра мактаби анъаналари давом этаётганлигини кўришимиз мумкин.

Танловни ташкил этиш ва ўтказишда Олий Мажлиснинг ёшлар ишлари қўмитаси ва Бадиий академия саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
танлов ҳайъати аъзоси, рассом

КУТУБХОНАЛАРИМИЗ ГАВЖУММИ?

Анча йиллардан буён шу соҳада хизмат қилиб келаётганим учун республикамиз матбуотидаги кутубхона ва китобхонликкка оид мақола, лавҳаларни диққат билан кузатиб бораман. Жамиятимиз янгиланиш сари юз тутган, барча соҳаларда кунига бирор янгилик содир бўлаётган бугунги тезкор кунимизда кутубхона ва кутубхоначиликнинг алоҳида ўрни бор. Аммо баъзи зиё масканларидаги ўқув хоналарининг қишда иситилмаслиги, ёзда эса китобхонлар учун қулайликлар яратилмаслиги сабабли бу ерга келувчиларнинг сони камайиб бормоқда. Айниқса, янги китобларнинг кутубхона жавонларидан ўз вақтида жой олмаётганлиги боис улар маданий ҳаётдан ажралиб қолмоқда.

Маънавиятга, баркамол авлодни камол топтиришга жиддий эътибор берилаётган бугунги кунда кутубхона ишларини жонлантиришга, бу зиё масканларини обод қилишга киришсак. айни муддао бўларди.

Бизнинг Фориш туманимизда бу борада анча-мунча ишлар қилинди. Туманимиз тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, форишликлар азалдан янгиликка ўч, саводхон. Бу ерда марказлашган кутубхона, болалар кутубхонаси ва 30 тармоқ кутубхоналари мавжуд. Мана шу масканларга ўтган йилнинг ўзида 900дан зиёд китоб сотиб олинди. Жиззах вилоят ҳокимлиги томонидан вилоят кутубхоналари ишларини янада такомиллаштириш борасида махсус қарор қабул қилиниши ишларимизнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Шунингдек, туман маданият ишлари бўлими томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг 560 йиллигига бағишланган "Навоий наволари", Ибн Сино меросига доир "Оламни забт этган аллома" деб номланган китобхонлар анжуманлари ва турли бадиий кечалар ўтказилди.

Норбек КАРИМОВ,
кутубхона раҳбари

Акс-садо

АВВАЛ СЎЗ...

Янгиликка қизиқиш хусусияти азал-азалдан инсон қонида бор нарса. Замонлар янгиланиши баробарида санъат турларида ҳам сифат ўзгаришлари кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан қаралганда эстрада қўшиқчилиги равнақ топаётганидан хурсанд бўлмоғимиз керак. Яқинда эълон қилинган Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори ҳам бу йўлдаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

Юлдуз Усмонова, Руслан Шарипов, Юлдуз Абдуллаева, Мавлуда Асалхўжаева, Севара Назархон, Озода Нурсаидова, Улуғбек Отажонов каби эстрада қўшиқчилиги санъатида эл эътирофига сазовор бўлган хушовоз хонандалар миллатимиз фахридирлар. Улар ўзбек эстрадасини дунё миқёсига олиб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Кейинги вақтларда турли-туман эстрада гуруҳлари кўпайиб кетди. Уларнинг савияси ҳам ҳар хил. Баъзи гуруҳлар қўшиқларида миллийлик кучли бўлса, баъзилари очиқдан-очиқ Ғарбга тақлид қилишади. Аммо тақлид ҳеч қачон кутилганича натижа бермайди. Санъат ихлосмандининг ғашига тегади, кайфиятига салбий таъсир ўтказади. Шоир айтганидек, "Куйла фақат ўз созинг билан, қурбақадек бўлса ҳам ҳатто" дегимиз келади шундай чоғларда...

Хўш, миллий эстрадамизни янада равнақ топтирмоқ учун нималарга эътибор бермоқ керак? Мантиқан олиб қараганда, дастлаб шеър матнига эътибор қаратмоқ жоиз. Негаки, аввал сўз ижод қилинади, кейин эса мусиқа. Шеър матни қонун-қоидаларга жавоб бермоғи шарт. Масалан, бармоқ вазнида бўлса, қофияси бўлмоғи керак, ўхшатиш ва ташбеҳлар меъёрида ишлатилмоғи даркор. Шеър бирор маънони англатмаса ёки кайфиятга таъсир ўтказмаса ундан нима фойда? Гоҳо пала-партиш ёзилган, бир мисраси боғдан, бири тоғдан келадиган "қўшиқларни" тинглаб, эстетик завқ ололмайсиз. Чумчуқ сўйса-да, қассоб сўйсин, деганларидек, бу қўшиқ матнини, мусиқасини туғма истеъдодга эга, ўз соҳасини яхши биладиган, сўзни чуқур ҳис эта оладиган шоир ёзса, мусиқасини эса шоирликдан хабардор, миллий анъаналарни, хориж эстрадасини теран англайдиган композитор басталаса, бундай қўшиқлар мухлисларнинг кўнгил мулкига айланади. Афсуски, кўпчилик эстрада қўшиқлари матнини хонанданинг ўзи ёзиб, билар-билмай куй басталайверади. Бундай пайтда матндаги ночорликлар, мусиқадаги дағаллик хонанда истеъдодига соя ташлаши ҳеч гапмас.

Халқимиз бисотида шўх, қувноқ лапарлар, коса тагига нимкоса қўйилган қочиримли термалар кўп. Бироқ ана шу қўшиқлар ижросида ҳам ўзбекона ибо, ҳаё устиворлик касб этади. Яна бир гап. Сўнгги вақтларда эстрада қўшиқчилигида хонандалар жуда осон йўл танлаши урфга айланди: тўрт қатор шеър такрорлаяверади... На бирор тайинли маъно чиқади, на бир мусиқа узвийлиги... Жаҳон эстрадаси юлдузлари қўшиқларини эшитсангиз, бундай бир хилликни кузатмайсиз. Жумладан, Селен Дион ижросидаги ўша машҳур "Титаник" қаҳрамонлари мадҳ этилган қўшиқни эсланг. Инсон қалби жунбушга келади. Гарчанд, сўз маъносини тушунмасангизда, сокинликдан аста-секин юксак пардага кўтарилгани, кейин маҳзун алфозга тушилгани шундайгина сезилади. Шеър матни, мусиқа бир-бирига шу қадар уйғунлашганки, ўша қўшиқни қайта-қайта тинглашни хоҳлайсиз. Ёки Алла Пугачёва, София Ротару қўшиқларини хаёлингизга келтиринг — бу қўшиқлар фақатгина бир миллатнинг мулки эмас, балки дунё халқлари учун хизмат қилади. Табиийки, ўша қўшиқлар матнини истеъдодли шоирлар, мусиқасини малакали бастакорлар ёзган. Акс ҳолда шу хонандалар дунё миқёсига чиқмаган бўлардилар.

Демак, масалани шу тарзда қўйишимиз зарур: шоир — бастакор — хонанда. Ана шу "учлик" ҳамкорлигида яралган қўшиқ, бизнингча, кўнгилдагидек чиқади. Сўз қадри ошса, мусиқа нафислигига эътибор кучайса, бунинг миллий тафаккурга, эстетик қарашлар янгиланишига таъсири беқиёсдир. Зеро, юқорида тилга олинган қарорда кўрсатиб ўтилганидек, миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳамда шу кенгаш қошида ижодий кўмаклашуви гуруҳнинг тузилиши бу "учлик"нинг мустаҳкамланишига замин яратади, деб умид қиламиз.

Туроб НИЁЗ

Мангу лаҳза

НАЖОТ ЙЎЛИДА

Агар ўрта асрларда Осиё билан Европани боғловчи йўл Ипак йўли деб аталган бўлса, XX асрнинг 20- йилларида Осиё билан Европани, аниқроғи, Ўзбекистон билан Германияни ўзаро боғловчи янги бир йўл очилди. Бу — Маърифат йўли эди. 1922 йили ана шу йўл билан Германияга борган истеъдодли ўзбек ёшлари орасида Саттор Жаббор ҳам бор эди.

Эндигина ўн етти ёшга кирган йигит дастлаб Берлиндаги ўрта ўқув юртида немис тили бўйича билимини қиёмига етказди. Сўнг 1925—1927 йиллари Хайдельберг шаҳрига бориб, маҳаллий университетнинг кимё факултетида ўқий бошлади. 1928 йили эса ўқишни Берлин университетига кўчирди. 1931 йили Саттор бошқа тенгдошлари билан бирга Германиядаги олий ўқув юртларини тугатиб, она-Ватанига олий маълумотли мутахассислар бўлиб қайтиш учун бутун кучини илм-фанга бағишлади.

Аммо унинг университетни тугатишига бир йил қолганда Москва, Германияга ўқишга юборилган бошқа ёшлар қатори, унинг ҳам қайтиб келишини талаб қилди. Саттор Москванинг эмас, қалбининг, виждонининг амрига қулоқ солиб, ўқишини тугатиш учун яна бир йилга Берлинда қолди. Қайсар талаба стипендиядан маҳрум этилди. Шундан кейин Саттор Берлин университети қошидаги Хумболд жамғармаси моддий ёрдам кўрсатмагунига қадар университет профессорлари кўмагида Браурай пиво заводининг кимё лабораториясида ишлаб, унча-мунча пул топди. Айни пайтда Германия даврий нашрларида мақолалар билан қатнашиб, ўзини моддий жиҳатдан таъминлашга эришди. Бу ҳақда 1937 йили бўлиб ўтган тергов пайтида бундай маълумотни берган:

"1930 йил давомида Германия матбуотида "Туркистон: шеър ва шоирлар" мақоламдан ташқари, яна... бешта мақола эълон қилдим... Уларга "Арслон Субутой" ва "Тошпўлат" деган тахаллуслар қўйган эдим. Бунга қадар "Ост-Европа" журналида кўпгина мақолаларим босилган. 1930 йили "Дейка Алгемайне Цайтунг"да "Пахта учун кураш" деган... мақолам босилган...".

Ушбу саноқда биринчи бўлиб тилга олинган мақола бевосита ўзбек адабиётига бағишланган ва бу ҳол бежиз эмас эди. 20-йиллари шаклланган бошқа ёшлар қатори, Саттор Жаббор ҳам шу даврда машҳур бўлган Чўлпон, Фитрат, Боту сингари ўнлаб шоирларнинг шеърларини ёддан билар ва уларни дўстёрлар даврасида соатлаб ўқир эди. Ана шундай давраларнинг бирида у Ҳоди Тўқай деган турк йигити билан танишади. Ёш ўзбек кимёгарининг ўз миллий адабиётини яхши билишини кўрган Ҳоди Тўқай унга ҳамкорликда китоб ёзишни ва бу китобда совет ҳокимиятига мухолифатда бўлган ўзбек шоирлари ижодини ёритиш лозимлигини айтади. Икки романтик йигитнинг хаёлида бу китобнинг немис, турк ва ўзбек тилларида нашр қилиниши ўзбек адабиётининг дунё миқёсида тарғиб этилишига муносиб ҳисса қўшган бўларди.

Шундай қилиб, улар университет яқинидаги Цоогарден бекатида жойлашган озарбойжон ресторанида ўтириб, ўзбек ва турк тиллари учун муштарак бўлган пижин услубида китоб ёза бошлайдилар. Тўғрироғи, китобни Саттор Жаббор айтиб турарди, Ҳоди Тўқай ёзади. Китоб секин-аста майдонга келар экан, турли-туман мишмишлар тарқалади. Бу мишмишларга кўра, фарзандлари Германияда ўқиган оилаларга тазйиқ ўтказила бошлаган, ҳатто Саттор Жаббор оила аъзолари Сибирга юборилган. Тошкентда эса совет ҳокимиятининг миллий сиёсатига қарши намойишлар бўлаётган эди. Бундай миш-мишларнинг қўлёзма устидаги иш жараёнига таъсир ўтказмаслиги маҳол эди. Яратилаётган китобнинг "Қуртулиш йўлида" ("Нажот йўлида") деб аталган ва унда асосан Чўлпон руҳига яқин шоирлар ҳақида баҳс юритилганининг сабаби ҳам балки шундадир.

1931 йил 11 март куни китобга сўнгги нуқта қўйилди. Агар шу кунлари Саттор Жаббор Ватанига қайтмаганида, шубҳасиз, муаллифлар китобни давом эттирган бўлардилар. Шунга қарамай, унда асосий гап ҳар ҳолда айтиб бўлинган эди. Китоб муаллифи қўлёзманинг бир нусхасини Тошкентга олиб келади. Аммо у нашр қилиниб улгурмай, Саттор Жаббор қамоққа олиниб, отиб ташланади. Ҳоди Тўқай эса китобнинг бошқа нусхасини ўзи билан бирга Туркияга олиб кетади.

2000 йилнинг сўнгги кунларида турк ва немис олимларининг саъй-ҳаракатлари билан ушбу китоб олам юзини кўради.

СУРАТДА: Ҳоди Тўқай ва Саттор Жаббор. Берлин, 1931 йил, март.

Наим КАРИМОВ

ЮРТ БАЙРАМЛАРИ

Туғилиб ўсган юрти, муқаддас тупроғи, она халқи билан ўзини бир бутун деб ҳис қилган фарзандгина ўз Ватанини севади, шундай инсонгина "Юрт равнақига менинг ҳам ҳиссам қўшилсин, мен ҳам ўз халқим учун хизмат қила оламан", — деб баралла айта олади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб "Шу азиз Ватан барчамизники" шиори остида ўтказилаётган республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси фестивалларида ҳақиқий юрт фарзандларининг меҳнати ва ижоди билан танишиб, қалбингиз ғурурга тўлади. Фестивалда намойиш этилаётган ижод ва меҳнат намуналарини кўриб кўзингиз қувонади.

Ҳар ҳафтанинг охирги кунлари Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залига ташриф буюраётган томошабинларнинг кети узилмайди. Бу ерга тўпланганларнинг кўзида фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис этиш қийин эмас. Шоир Саъдулла Ҳаким фестивал ҳақида шундай деди:

— Ўзбекистонимизнинг 10 йил ичида шунчалик чирой очиб, юксалганини кўриш завқли. Ҳатто чекка қишлоқ ва шаҳарларда ҳам бир-биридан кўркам бинолар қад ростламоқда. Саноатимиз гуркираб ривожланмоқда. Биргина Андижондаги "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автомашиналар ва янги "Матиз" машинасини кўздан кечириб, кўксимиз осмон қадар юксалди.

Фестивалда ёғоч ўймакорлар, кандакор, тоштарош, кулол ва пичоқчи усталар, шунингдек, каштачи, зардўз ва заргарлар қўли билан яратилган халқ ҳунармандчилигининг нодир намуналари кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиляпти. Бу халқ амалий санъати билан шуғулланаётган усталар ижодини пойтахтда намойиш этиб, уларнинг меҳнатини юзага чиқариш учун катта имкониятдир. Масалан, бешикчилигимизни оладиган бўлсак, усталар бешикни ясабгина қолмай, унга замонавий тус беришга ҳаракат ҳам қилмоқдалар. Сирдарёлик усталар бешикдан ҳаёт фалсафасини излсалар, андижонликлар бешикка махсус мослама ўрнатишган. Бу мослама ишлатилганда бешикни қўл билан тебратишга ҳожат қолмайди. Бу каби ютуқларни ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларида ҳам кўриш мумкин.

Кўргазмага қўйилган турли-туман маҳсулотлар айни чоғда ўз харидорини ҳам топмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ташаббуси билан ташкил этилган фестивалнинг асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Одилжон Ҳамроев шундай деди:

— Фестивал уч йўналишда ўтказиляпти: биринчиси, иқтисодий ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари тараққиётини намоён этувчи, вилоят ижтимоий ҳаёти тасвирланган фотокўргазма ва турли маҳсулотлар кўргазмаси. Иккинчиси, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ва вилоят маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган кўргазмалар.

Ҳозиргача Қашқадарё, Наманган, Навоий, Бухоро, Андижон, Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг фестиваллари ўтказилди. Шунинг ўзиёқ бугун вилоятларимизда халқ хўжалигининг турли соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганини кўрсатиб турибди. Масалан, бир вақтлар валютага олиб келинган саноат моллари эндиликда республикамизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётганининг гувоҳи бўлдик. Вилоятлардаги қўшма корхоналарда катта технологик ўзгаришлар содир бўлаётгани қувонарлидир. Энг асосийси, халқимиз орасида ижодкорлик руҳи, эркин ижод қилиш эҳтиёжи пайдо бўлганлиги фестивалимизда яққол намоён бўлди.

Ёзувчилар уюшмасининг Навоий вилояти бўлими масъул котиби Камолиддин Юсуповнинг ҳикоя қилишича, фестивалга олтмишга яқин ижодкорларнинг асарлари олиб келинибди.

Ўз туғилиб ўсган юртидан фахрланиб, унинг ҳар бир гиёҳию тоғу тошларигача ардоқлаб, шу азиз тупроқда яшаб ўтган азиз авлиёю анбиёлар, алломаю донишмандлар хотирасини ёд айлаб яшаётган ватандошларимиз борлигига қувонамиз. Она Ватанга бўлган муҳаббатимиз қалбимиздан отилиб чиқаётган куй, қўшиқ, шеър ва ғазалларимизда куйланаётганидан ифтихор ҳис этамиз. Қувончларимиз байрамларга айланади. Ватан байрамлари кўпаяверсин!

А.ЎСАРОВА

Боши 1-бетда

деб фахрланаман. Турли йилларда Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева, Шарифа Салимова, Турсунбой Адашбоев, Усмон Қўчқор, марҳум Сафар Барноев каби адиблар ҳам бу ишда яқиндан ёрдам берган эдилар.

Ушбу семинар-кенгашлар ўтказилишида ардоқли шоиримиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов жонкуярлик билан раҳнамолик қилмоқда.

Семинар-кенгашнинг унумли ўтишида Жиззах вилояти ҳокимлиги кўрсатаётган катта ёрдамни алоҳида таъкидлашни истар эдик. Адабий ҳаракатимизда мустаҳкам ва доимий ўрин олган бу анжуманнинг асосчиларидан бири шу ҳокимлик эканлиги таҳсинга сазовордир.

Мазкур семинар-кенгаш буюк Истиқлолимизнинг ёш ижодкорларга яратган катта имкониятларидан бири. Бизда ёшларнинг эркин ижодий парвози учун барча шароит муҳайё. Адабиётимизда янги номлар, янгича талқинлар, кашфиётлар юзага келиши табиий. Бунинг учун ёшлар энг аввало ўзларини "кашф этишлари" керак. Улуғ Алишер Навоийнинг "Эл нечук топгай меники, мен ўзимни топмасам" деган мисралари замирида катта ҳақиқат барқ уриб туради. Сўзни чуқур ҳис этиш, мумтоз адабиётимиз дурдоналарини теран ўзлаштириш, жа-

НАВҚИРОН ОВОЗЛАР

хон адабиётидаги ноёб ҳодисалардан доимий хабардорлик ижодга учқур қанот бахш этади. Она-Ватан туйғуси, миллий ифтихор, ўз халқинг, ўз қадриятларинг билан фахрланиш туйғуси шеъриятга, умуман, адабиётга илоҳий завқ бағишлайди. Ҳа, бизга турли-туман, ранг-баранг истеъдод эгалари керак. Гўзал, нозик туйғулар тароваси ҳам, ўйчан, дилбар лирика ҳам, жўшқин-ҳароратли фахрия, инсонни, ёру диёрни улуғловчи қўшиқлар, ҳақиқат учқунлари сачраб турган кескин шеърлар ҳам, тафаккур ва заковат ҳосиласи бўлмиш дурдоналар ҳам халқимизга, адабиётимиз мухлисларига жуда керак. Улар арузда ми, бармоқдами, сарбаст вазнидами ёзилишидан қатъий назар, барибир, энг аввало, юксак бадиият мезонларида баҳоланиши шарт.

Шундай нафис шеърларни тингладик. Айниқса, Муссалламбону Умирова ўқиган шеърлардаги фалсафий руҳ, эгизаклар — Ҳасан ва Ҳусан Карвонли туркум асарларидаги ўзига хос нозиклик, Шодмон Сулаймон машқларида миллий руҳнинг бўртиб кўриниши... умуман олганда бошқа ижодкор ёшларимиз ўқиган шеърларида тақлиднинг учрамаслиги, ўз йўлини топишга интилишлар сезилиши ҳам қувонарли ҳол.

Шонли Истиқлолимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган мазкур анжуман кўнгилларимизни ишончга, қувончга тўлдирди. Насиб бўлса, адабиётимизда янги номлар порлаши муқаррар. Ёш фарзандларимизга яна бир бор, чин юракдан "оқ йўл" тилаймиз.

Боши 1-бетда

диққат-эътибор қаратилмаган. Эндиликда эса Жиззах вилоятида ўша илҳомбахш тадбирлар йўлга қўйилди ва анъанавий тус олди. Бу йилги анжуманда ҳар йилгидан-да кўпроқ номлар кашф этилди, десам муболаға бўлмас.

Ҳа, ижоднинг равнақ топишида муҳитнинг аҳамияти беқиёс. Хушҳаво, сўлим гўшалардан қайтарканмиз ўз-ўзимизча янада баракалироқ қалам тебратишга аҳд этдик. Энг муҳими, ижод завқи, шукуҳи кўз ўнгимизда ўзгача жило таратди, кўнгилларни кўнгилларга пайванд қилди.

Адиба ҲАМРО қизи

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

ҲИНДИСТОНЛИК ТЕРМИЗИЙ

Термиз Ўзбекистонимизнинг қадимий ва бой тарихга эга шаҳарларидан биридир. Бу табаррук масканда юзлаб шоиру олимлар, давлат арбоблари яшаб ўтган. Улар орасида Пайғамбар авлоди — сайидлар ҳам кўп. Термизийларнинг номлари фақат Хуросон ва Мовароуннаҳрда ёзилган манбалардагина эмас, балки Арабистон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Русия ва Оврупонинг бир қанча мамлакатларида битилган китоб ва рисолаларда ҳам учрайди.

Шуниси диққатга сазоворки, турли даврларда, турли мамлакатларда ёзилган тазкираларда Термизда яшаган улуғ инсонлар билан бирга, асл ватанидан йироқда туғилиб, умр кечирган термизликлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Улар қачон ва қаерда яшашларидан қатъи назар, ота-боболари юртини фахр билан эслаб, аждодлари ўтган бу муқаддас тупроқни эъзозлаганлар, термизлик эканликларини ёддан чиқармаганлар. Амударё бўйидаги бу қутлуғ шаҳар номини эҳтиром билан тахаллус сифатида қўллаганлар.

XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX асрнинг бошларида Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган ва "Термизий" тахаллуси билан машҳур бўлган Мир Муҳаммад Тақи ибн Мир Али Ризо Балгиромий ана шундай инсонлар сирасидандир. Бу ижодкор хусусида Ҳусайнқулихон Азимободий ўзининг икки жилддан иборат "Наштари ишқ" ("Ишқ тиғи") номли тазкирасида маълумот беради. Тазкирадан қадим замонлардан XIX аср бошларигача ўтган хуросонлик, мовароуннаҳрлик, хусусан, ҳиндистонлик 1470 нафар шоиру олим, саркарда ҳақида маълумот олиш мумкин.

Тазкира 1233 ҳижрий (1817 милодий) йили Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида битилган. Асар муаллифи Ҳусайнқулихон Азимободий эса, 1194 ҳижрий (1780 милодий) йили таваллуд топган. Йигитлик даврида ватани Ҳиндистонни ва Яқин Шарқ мамлакатларини айланиб чиққан. Бу сафарларда у тазкираси учун бой материаллар тўплайди. Уларни тартибга солиб, адиблар, таниқли кишилар ҳаёти ва ижодини батафсил ёритишга киришади. "Наштари ишқ" тазкирасида шоирларнинг номлари ва улар ҳақидаги маълумотлар араб алифбоси ҳарфлари асосида жойлаштирилган. Жумладан, "т" ҳарфи билан бошланадиган ўнлаб шоирлар қатори, Мир Муҳаммад Тақи Термизий ҳақида ҳам маълумот берилади. Чунончи, асарда шундай битик бор: "Термизий — Мир Муҳаммад Тақи валади Мир Али Ризо Балгиромий чун аз содоти Тирмиз буд, лиҳозан тахаллуси худ Термизий ихтиёр сохт". Яъни, "Термизий — Мир Муҳаммад Тақи ибн Мир Али Ризо Балгиромий термизлик сайидлардан эди, шу боис ўзига Термизий тахаллусини ихтиёр этди". Демак, бу маълумотдан аён бўлиб турибдики, ҳамшаҳримиз аждод томонидан Термиз сайидларидан бўлиб, насл-насаби ҳурмати — ўзига "Балгиромий" ўрнига "Термизий" тахаллусини танлаган.

Маълумки, Термиз сайидлари 850 йили Арабистондан Мовароуннаҳрга, сўнгра унинг энг жанубий шаҳри Термизга келиб, ватан тутганлар. Пайғамбаримиз авлодидан бўлган Сайид Ҳасан Амир ҳазратлари авлодлари ва қавми IX асрдан бошлаб хийла кўпайиб, XI—XII асрларда Термизда шуҳрат қозонганлар. Сайидлар илму фан ва маданиятнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Улар орасидан азиз-авлиёлар, шайхлар, ҳокиму вазирлар, айниқса, шоиру олимлар, маданият арбоблари кўплаб етишиб чиққан.

1220 йилдан, яъни Чингизхон истилосидан сўнг Термиз сайидлари ҳам барча маҳаллий аҳоли каби пароканда бўлдилар. Бу фожеали йилларда уларнинг кўпи ҳалок бўлиб, баъзи оилалари узоқ-узоқ мамлакатларга кўчиб кетди.

Ҳиндистонга кўчган бир гуруҳ сайидлар оилалари орасида Мир Муҳаммад Тақи аждодлари ҳам бор эди. Бу улуғ зотлар фожеа гирдобига йўлиққандан сўнг жон сақлаш учун аҳли хонадонлари билан Ҳиндистоннинг Балгиром вилоятига кўчиб кетдилар ва ўша ерда муқим яшаб қолдилар.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, XIII асрдан XIX асргача Ҳиндистондаги термизлик сайидлар орасидан анчагина шоиру олимлар, саркарда ва шайхлар етишиб чиққан. Уларни ахтариб топиб, таржимаи ҳоллари, асарларини ўрганиш муҳим вазифалардандир.

Чингизхон истилоси арафасида жонларини сақлаш учун тўрт томонга кўчиб кетган мовароуннаҳрликлар орасида термизлик сайидлар танҳо эмасдилар. Бундай кўчишлар у вақтларда одатий бўлиб қолганди. Жумладан, буюк тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, 1220 йили Чингизхон босқини даврида турк улусидан бўлмиш минг оиладан иборат лочин уруғи Шаҳрисабздан Ҳиндистонга кўчади ва Деҳли шаҳрига бориб турғун бўлиб қолади. Машҳур шоир, ўнлаб илмий ва адабий китоблар, жумладан, "Хамса" муаллифи Амир Хусрав Деҳлавий мазкур уруғ фарзанди эди. У кишининг отаси Шаҳрисабзда лочин уруғи раиси эди.

Шоиримизнинг отаси Мир Али Ризо "Балгиромий" тахаллуси билан ижод қилган ва машҳур бўлган. Лекин термизлик эканлигини ҳеч қачон унутмаган ва фахрланиб юрган. Демак, Мир Муҳаммад Тақининг "Термизий" тахаллусини ўзига муносиб кўрганлиги ҳам аслида ана шу фахрнинг бир белгисидир. Зеро, Мир Муҳаммад Тақи бу билан, биринчидан, термизлик сайидлар авлодидан эканлигини таъкидласа, иккинчидан, олти асрдан кейин бошқа мамлакатларда дунёга келган бўлса ҳам ватанини эслаб, уни ёдидан чиқармай келган аждодларининг муҳаббати, шавқ-ҳавасини ифодалагандир. Шоир барча шеърларини Термизий тахаллуси билан яратди.

Тазкиранавис Азимободийнинг ёзишича, шоир Мир Муҳаммад Тақи Термизий 1160 ҳижрий (1764 милодий) йили Ҳиндистоннинг Балгиром шаҳрида туғилади. Отаси Мир Али Ризо Балгиромий вилоятнинг таниқли кишилари сирасидан эди. Эҳтимол, у Балгиром амири ё ҳокими бўлгандир. Шу боис у кишининг номига "Мир" сўзи қўшилган. Бу сўз кейинчалик ўғил исмига ҳам қўшиб ишлатилган. Мир Муҳаммад Тақининг ўзи ҳам Балгиромда катта обрў ва мансабга эришган.

Ҳусайнқулихон Азимободий бизнинг шоиримиз ёшлигида ота тарбиясида умр кечириб, унинг барча талабларини бажо келтирган, деб ёзади. Мир Муҳаммад Тақи дастлаб мактабда, сўнг мадрасада таҳсил олади. Форсий ва туркий тиллардаги адабиёт билан яқиндан танишади. Шеърлар машқ қила бошлайди. Унинг илк шеърлари ошиқона мавзуларда эди. Кейинроқ сиёсий ва ижтимоий мавзуларда ҳам қалам тебрата бошлайди. Бунинг сабаби шоирнинг вазифаси билан боғлиқ дейиш мумкин. Ҳусайнқулихон шоир ҳақида тўхталганда: "Унинг табъи маънолар сари сайр этиб ва шу вазиятда шеърлар машқ қила бошлади", деб ёзади.

Мир Муҳаммад Тақи шоир отасидан шеърият илмини ўрганди, унинг кўмагида шеърият даргоҳига шахдам қадам қўйди. Тазкира муаллифи: "У бир неча йил давомида битилган шеърларидан девон тузди", деб хабар беради. Мазкур девон ҳиндистонлик Термизий ижодидан ёдгорлик ва адабий манба сифатида шуҳрат қозонади. Аммо девон нусхалари сақланиб қолган-қолмаганлигидан ҳозирча хабаримиз йўқ...

Ҳусайнқулихон Азимободий девонни шахсан кўрган ва "яшил япроқ" (Саъдий ибораси) сифатида ундан бир неча байтлар келтирган. Биринчи намуна қуйидаги тўрт мисрадир:

Ҳарки аз кўйи ту,
эй жони жаҳон меояд,
Дидаам рў ба қафо
ашкфишон меояд.
Эй сабо, аз ман агар
пеш расий дар кўяш,
Бирасоний хабар ўро,
ки фалон меояд.

Таржимаси:

Ҳар ким сенинг
кўйингдан, жонон,
бу ён келадур,
Кўз ёшларин яширган
бағри бирён келадур,
Эй сабо, мен соридан
борсанг дилдор қошига,
Дегил, ки ул ошиқинг
чашми гирён келадур.

Иккинчи намуна бир байтдан иборат бўлиб, қуйидагича садо беради:

Бо ғайр ажаб нест, ки
дилдор нишинад,
Гулро сари он аст, ки
бо хор нишинад.

Мазмуни:

Не ажабким, ёрга
ҳамдам бўлиб
ағёр ўлтурур,
Зеро, гулнинг
қошида ҳам тикани —
хор ўлтурур.

Кўриниб турибдики, ҳар иккала намуна ҳам ғазаллардан олинган байтлардир. Уларнинг иккиси ҳам ишқ-муҳаббат мавзуида. Ишқий ғазаллардаги бош қаҳрамон — ошиқига илтифот қилмайдиган, худбин, қайсар маҳбуба. У ноз-карашма қилиб, ёридан юз ўгирган, ошиғига қасдма-қасдига бегоналар билан ошно тутинган. Аммо бечора ошиқ маҳбуба шундай жафокаш бўлса ҳам, ундан юз ўгирмайди. Уни жонидан ортиқ севади, ҳусн-жамоли дардида ўртаниб, кўча-кўйларда йиғлаб юради. Ёрининг васлига эришиш учун ҳатто шабнамлару саболардан, ўсимлик-гиёҳлардан ҳам мадад сўрайди...

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Муҳаммад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди

Журналларни варақлаганда...

Guliston

"Гулистон" журналининг 2001 йилги июн ойи сони Тошкент давлат маданият институтига бағишланди. Яқинда нашрдан чиққан журналда институт талабалари, аспирантлари, профессор-ўқитувчиларнинг кўп қиррали фаолиятига доир кўплаб қизиқарли мақола, бадиий публицистик асарлар эълон қилинган. 3000 нусхада босилган журналдаги олтмишдан ортиқ расм-сурат институт ҳаётига оиддир.

Тажриба сифатида илк бор чоп этилаётган ушбу сон Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг шаффоф кўзгуси, барча қизиққанлар учун "ташриф қоғози" бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

Журнал институтнинг биринчи ва амалдаги ректорлари мақолалари билан очилади. Ўқув даргоҳи маданият ва маънавиятимиз марказларидан бири бўлгани боис, ундан профессорлар А.Маврулов, М.Бекмуродов, У.Қорабоевларнинг миллий мафкура муаммоларига бағишланган илмий-оммабоп мақолалари ўрин олган. Айни чоғда санъат ва санъаткорлар фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратилган. Чунончи, бастакор ва педагог Р.Турсунов, олимлар А.Назаров, С.Жумаев, Ўзбекистон халқ артистлари О.Отажонов, Ф.Зокиров, Н.Абдуллаева, М.Тўхтасиновнинг мақолалари нозиктаъб мухлисларга янги маълумотлар беради.

Журнал саҳифаларидан бугунги кунда институтда таҳсил олаётган қатор истеъдодли талабаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрин олганки, бу ёшлар маънавий эҳтиёжига тўла мос келади. Улар орасида Лариса Москалёва, Одина Каримова, Достон Убайдуллаев ва бошқа ёш ижодкорлар бор. "Гулистон" саҳифаларида кутубхоначилик, ижтимоий-маданий фаолият, касбий педагогик тайёргарлик, халқ бадиий ижодиёти факултетларининг ўзига хос ўқув жараёни кенг акс эттирилган. Ш.Шамсиев, Э.Йўлдошев, М.Раҳимова, М.Туроповларнинг зиё маскани муаммоларига, К.Маҳмудова, С.Йўлдошева, Ф.Икромхўжаев, М.Ҳакимоваларнинг ўзбек урф-одатларига бағишланган мақолалари ҳамда Р.Жомонов, Н.Одиловаларнинг мураббийлик, тил ва бадиий адабиёт соҳаларига оид изланишлари диққатни тортади.

Чўққининг юксаклиги ва салобати узоқдан кўзга яхши ташланади. Шу маънода Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ва филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовларнинг эҳтиросли мақолаларида маданият институтининг жамиятимиздаги ўрни хусусида фикр юритилади.

Профессор С.Мирвалиевнинг "Маънавият уфқлари", F.Жалолов ва Н.Қосимовнинг "Алпомиш" достони, доцент М.Сатторовнинг адиб Тоғай Мурод ижоди таҳлилига бағишланган тадқиқотлари илмий тафаккуримизни янада бойитиши шубҳасиз.

Журналнинг ёш истеъдодлар мушоарасида институт шоиралари ижодидан намуналар берилган.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳаётига бағишланган "Гулистон"нинг янги сонини нашрга тайёрлашда таҳририят институт олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилди. Шу маънода институт томонидан масъул муҳаррир, филология фанлари номзоди, доцент Маҳмуд Сатторовнинг ижодий саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Таҳририят ва ўқув даргоҳи ижодий ҳамкорлиги натижасида вужудга келган "Гулистон"нинг ушбу сони бугун институт остонасига қадам қўяётган абитуриентлар, яъни маданият институти талабалигига иштиёқмандлар учун ҳам ўзига хос туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ҚЎШИҚ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қўшиқларда қадимий Термиз тарихи, беқиёс маънавий меросимиз ҳамда бугунги замон шукуҳи юксак бадиият билан тараннум этилиши лозим.

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар берилади:

Битта биринчи мукофот — 300 минг сўм;
Иккита иккинчи мукофот — 150 минг сўмдан;
Учта учинчи мукофот — 100 минг сўмдан.

Танлов муддати шу йилнинг 1 октябригача

Манзил: Тошкент шаҳар, Ж.Неру кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.



САҒАНАНИНГ СИРИ

Маълумки, Шаҳрисабз Амир Темурнинг ҳақиқий Ватани ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Соҳибқирон бу шаҳарни ободонлаштиришга катта эътибор берган. Ҳозир Ҳазрати Имом деб аталадиган симобий гумбазли баланд мақбара билан унинг атрофидаги тарихий ёдгорликлар ягона Дорусаодат кошонасининг ажралмас бўлаклари бўлиб, темурийлар хилхонаси эди. Дорусаодатнинг маъноси эса "давлатмандлар саройи" ёки "саодатмандлар маскани", демакдир. Хилхонада асосан ҳукмдорлар ва амирзодалар дафн этилган.

1376 йили 20 ёшида хасталикдан кўз юмган амирзода Жаҳонгир вафот этганда, Самарқандда маросимлар ўтказилгандан сўнг, Шаҳрисабзга олиб келиб дафн этилган. Бир неча йилдан сўнг Шаҳрисабзда амирзоданинг шарафига хоразмлик меъморлар салобатли бино бунёд этганлар.

Кошонанинг асоси — Жаҳонгир мақбарасидир. Бу мақбарадан 40 метр чамаси жануби-шаркда Соҳибқироннинг ўзига атаб қурилган сағана бор. У бир неча ўн йиллар мобайнида ер остида қолиб, устки бинолари деярли йўқ бўлиб кетганлиги учун ҳам эътибор берилмаган.

Истиқлол шарофати билан осори-атиқалар очилиб, ғуборлардан поклан мокда. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш арафасида унинг ўзи барпо эттирган бинони ҳам асраш ва илк бор таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бу мажмуа кўриниши жиҳатидан Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасига ўхшаб кетади. Унинг бўйи қарийб 70 метр, эни эса 50 метр бўлган. Клавихо эса, кошонанинг ҳовлиси сердарахт ва ўртада катта ҳовуз бор, деб ёзган. Ҳозир унинг юзасидан кесиб ўтган кўчанинг номи "Ҳовузи мардон", яъни эрлар ҳовузи, деб аталишида ҳам тарихий дахлдорлик бўлса керак.

Саройга кираверишда аввал худойиҳонага ўтилади. Унинг жануб томонидаги кириш зиналари орқали эса Соҳибқиронга мўлжалланган хилхонага тушилади. Даҳманинг ўртасида Амир Темурнинг ўзига аталган тош тобут турибди. Унинг қибла деворида фотиҳа сураси нақшинкор тўрт бурчакли мармартошга маҳорат билан ўйиб кўчирилган. Тобут кулранг, яхлит мармар тошларнинг ичи ўйиб ясалган. Оғзини зич ёпиш учун яхлит мармар қопқоғи ҳам бор. Албатта, қопқоқни очиб-ёпиш учун қилинган мустаҳкам темир тутқичлар ҳам диққатни тортмай қолмайди. Унинг сиртида Расули Акрамнинг "Эй, Парвардигор! Жаннатинг ҳақ, дўзахинг ҳақ, ҳавзи кавсаринг ҳақ, Мункар Накиринг ҳақ, сўзинг ҳақ, рўзинг ҳақ ва буларга шубҳа йўқдур" деган ҳадиси битилган.

Испан элчиси Клавихонинг шаҳодат беришича, одатда амирзода ва бузрукворларнинг хилхоналари ниҳоятда улуғвор бўлиб, феруза рангли зарҳал кошинлар ва олтинлар билан безатилган. Амир Темур ўз сағанасининг шуқуҳидан кўнгли тўлмай, уни 1404 йили қайтадан қурдираётганлигини ҳам элчи ўз кўзи билан кўрган. Эҳтимол, Соҳибқироннинг фавқулодда ўлими унинг битмай қолишига сабаб бўлгандир.

Шаҳрисабздаги ер ости сағанасидаги тош тобут аллақандай мақсадлар билан бир эмас, икки марта, яъни аввал 1933 йили академик Яҳё Ғуломов етакчилигида, кейинроқ эса 1950 йили таниқли олим В.А.Булатов раҳбарлигидаги қадимшунослар томонидан очиб ўрганилган.

Йиллар ўтаверади. Салкам 500 йил ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласига мансуб ва марғуб осори-атиқалар ўрганилган сайин улар бағрида сир бўлиб келаётган ҳақиқатлар ҳам юз очаверади.

Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо: "Эртасига, жума куни (1404 йил, 29 август) элчиларни подшонинг буйруғи билан бунёд этилган катта саройга олиб бордилар. Айтишларича, бу ерда йигирма йилдан буён ҳар куни ишлашар экан. Ҳатто ҳозир ҳам кўп усталар ишлаб турибди. Саройнинг кириш йўли жуда узун ва дарвозаси ҳам жуда баланд. Кириш жойида, ўнг ва чап томонда кошинлар ва турли нақшлар билан безатилган гиштин арклар қад кўтарган. Арклар тагида эшиксиз кичик хоналар бўлиб, уларнинг сатҳи кошинлар билан қопланган. Бу қоплама шунинг учун қилинганки, подшо саройга келган пайтда одамлар бу ерда ўтирадилар. Катта дарвозалардан сўнг яна бошқа дарвоза бор. Ундан кейин эса оқ тошлар ётқизилган ҳовли ва ғоят безатилган тимлар бор. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, ҳовлининг эни уч юз қадам. Ҳовли орқали саройнинг энг катта биносига ўтилади. Бу бинога киришда ҳам жуда катта ва баланд эшик бўлиб, у олтин, ложувард ва кошинлар билан моҳирона безатилган... Бу эшик орқали тўртбурчак шаклдаги қабулхонага кирилади. Қабулхона деворлари ҳам олтин, ложувард ва кошинлар билан безатилиб, устига тилла суви югуртирилган. Бу ердан элчиларни юқори қаватларга олиб чиқдилар. Бу ерда ҳоналар шунчалик кўпки, уларни бирданига тасвирлашнинг иложи йўқ. Бу ердаги безаш ишларининг барчаси олтин, ложувард ва қимматбаҳо тошлардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг моҳир усталари ҳам қойил қолиши мумкин".

ТАРИХДАН ТАРИҚЧА...

...Яна бир нақлга кўра, Оқсарой қурилишининг дастлабки ишлари тугаши ҳамона Амир Темур бинони рангдор кошинлар билан қоплаб чиқишга меъморларни ундайди. Соҳибқирон бунчалик қисталанг қилавергач, бош уста марказий гумбазнинг деворига одам бўйига тенг, лекин ерга тегмайдиган қилиб занжир осиб қўяди ва ўзи ғойиб бўлади.

Бош меъморнинг ўрнини боса оладиган одам топилмагач, Оқсарой биносининг дастлабки қоплама ва безак ишлари вақтинча тўхтатилади. Орадан икки йил ўтгач, меъмор қайтиб келади ва Оқсаройга бориб, ўзи қўйиб кетган занжирнинг анча пастга тушганига ишонч ҳосил қилади. Сўнгра Соҳибқирон ҳузурига борib, безак ишларини бошлашга рухсат сўрайди. "Нечун ғойиб бўлдинг?", деган саволга бош меъмор: "Магар кетмагонимда бино чўкиб, ўз ўрнинда жойлашмагон бўлурди. Икки йил давомида иморат ўз залвори бирлан чўкди, заминга текис бирлашди, эмди бемалол безак амалларини давом эттирмоқ жоиздур", деб жавоб берган экан.

* * *

Абдураззоқ Самарқандий шундай баён этади: *"Темур... Хоразмдин Мовароуннаҳрга кўчириб, Кеш шаҳринда жойлаштирмоққа фармон берди"... "Хоразмлик устолар баланд сарой бино этдиларким, ҳозирги кунда ул Оқсарой номи ила аталғондур".*

* * *

Шарафуддин Али Яздий ўзининг машҳур "Зафарнома" асарида шундай маълумотни келтиради: *"Сичен йилинда (қадимги туркчада маймун йили) торих етти юз саксон бирда (1380 йил, март) ул шаҳарда қалъа солдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдиким, гардун муҳандиси мунча ёши бирлан оламни кезиб, ҳеч бир заминда шундоқ шаҳар ва қўшк кўрмагон эрур".*

"ОБИДА"нинг ушбу сони Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Маданият ёдгорликларини сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

ЖАҲОНШУМУЛ ТОПИЛМА

1996 йили Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи ташкил этилган эди. Дастлаб музейга саноқли ашё қўйилган музей заҳирасида эндиликда 13800дан зиёд осори-атиқа мавжуд.

Музей ходимларининг саъй-ҳаракати билан ҳозиргача икки марта халқаро анжуман ўтказилиб, Шаҳрисабз шаҳарсозлик тарихи 2700 йиллик даврни қамраб олгани олимлар томонидан илмий асосда тан олинди.

Музейда сақланаётган, Севаз қишлоғидан топилган остадон топилмаси жуда қизиқарли тарихий маълумотларни беради. Ушбу осори-атиқа қадимшунос Н.И.Крашенникова ва франсиялик тадқиқотчи, профессор Франтс Грене томонидан тикланган. Остадонда тасвирлар уч қатор қилиб ишланган ва тимсоллар ўнг томондан чап томонга қараб жойлаштирилган.

Биринчи қаторда ўнг қўлини осмонга кўтарган, чап қўлида муқаддас "ёғоч капкир" ушлаган, оёқларини йиғиб ўтирган Зардушт авлиёси акс этган. Унинг ёнида бир китоб турибди. Айрим тадқиқотчилар ушбу китобни муқаддас Авесто деб талқин этишади.

Иккинчи қатордаги асосий тимсол ҳоҳиндир. У бор бўйича тасвирланган бўлиб, кўкрагидан пастки қисми учинчи қатордаги суратлар билан қўшилиб кетган. Ҳоҳин қандайдир ибодат билан машғул. Энг пастдаги қаторда Зардуштнинг эгарланган оти, ёниб турган муқаддас олов, ҳоҳиннинг ибодат жараёнидаги асбоблари, иккита тоғ эчкиси ва сопол кўза акс эттирилган.

Айнан остадоннинг ўзи ҳам зардуштийлик динига кўра, мурдани дафн этиш учун ясалган сопол тобутдир. Бу эътиқодга асосан мурданинг эти қушлар ёки итлар томонидан тозалангач, суяклар ана шундай тобутларга солиниб дафн этилган. Остадоннинг тўрт бурчагида ҳам қандайдир қушларнинг бош қисми акс этган. Ушбу остадон топилган тепалик эрамизнинг V-VI асрларига оид бўлиб, бу даврда Кеш ҳудудида зардуштийлик дини ҳукмрон давлат дини даражасига кўтарилган эди. Унда айнан зардуштийлик дини урф-одатлари акс эттирилганининг яна бир далолати шундан иборатки, бу динда муқаддас унсурлар ҳисобланган олов, сув яққол акс эттирилган. Ҳоҳиннинг муқаддас оловга қурбонлик келтириш манзараси машҳур "Амударё хазинаси"да ва Персепол зинапоясидаги тасвирларда ҳам акс эттирилгандир. Изоҳланаётган остадонда, ўша даврдаги одатларига кўра, тоғ эчкилари бўйнида қўнғироқ, устида ёпинчиқ билан тантанавор бир тарзда қурбонликка келтирилган.

Музей жамоаси бу йил Хоразмда нишонланадиган Авестонинг 2700 йиллик тантанаси олдидан яратилажак ёдгорлик мажмуасида айнан ана шу остадонда акс эттирилган тимсоллар асос қилиб олинишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Шу кунларда ушбу остадон Тошкентдаги Темурийлар даври тарихи давлат музейида сақланаётган осори атиқалар сафидан ўрин олган.

Наби ХУШВАҚТОВ,
Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи раҳбари

Ёдгорликлар — миллат хотираси

ОБИДА

Меъморий ёдгорликларга бағишланган қўш саҳифа

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ масканди. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг отаболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу элюртни бутун жаҳонга машҳур этган, донгини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ислом КАРИМОВ



ЎТМИШНИНГ УЙҒОҚ НИГОҲИ

Мамлакатимизнинг узоқ ва яқин ўтмишига дунёда қизиқиш ортиб бормоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир.

Маълумки, Кеш — Шаҳрисабзнинг гуллаб, яшнаши улуғ давлат арбоби ва саркарда, Соҳибқирон Амир Темур номи билан чамбарчас боғлиқ. Шаҳарнинг бундай аталиши унда дарахтлар ва гулзорларнинг кўплиги билан изоҳланади. XIV-XV асрларда шаҳар тўртбурчак шаклда бўлиб, бир нечта дарвозаларга, Самарқанд дарвозасидан Термиз дарвозаси томон ўтган марказий кўчага, марказий майдон — Регистонга ва бозорга эга бўлган.

Амир Темур Шаҳрисабзда бир қанча биноlaр қуриш билан бирга шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш борасида ҳам катта ишларни амалга оширади. Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ташриф буюрган кезларда, Шаҳрисабз мустаҳкам қўрғонлардан бирига айланган эди. У шундай деб ёзади: "Шаҳар мустаҳкам девор ва чуқур ҳандақ ила ўралган бўлиб, кириш жойларинда кўтарма кўприклар мавжуд".

Шу даврга оид ёдгорликлар орасида энг йирик ва нодир обида — бу Оқсарой биносидир. У Соҳибқирон ва темурийлар даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам сайёҳларнинг диққат-эътиборини тортиб келган. Жуда кўплаб сайёҳлар ўз кундаликларида бу муҳташам бино ҳақида эслатиб ўтганлар. У 1380—1404- йилларда бунёд этилган. Ўз даврида умумий баландлиги 70 метр бўлган Оқсаройнинг ҳозирги кунда сақланиб қолган қолдиғи 38 метрни ташкил этади. Сақланиб қолган пештоқнинг иккита улкан устуни бетакрор ўйма нақшлар билан безатилган. Бу ердаги турфа нақшлар етти хил рангда бўлиб, халқ орасида "хафт ранг" деб аталади. Саройни меъморий безашда нақшинкор усулларда битилган диний-фалсафий ёзувларга алоҳида эътибор берилган.

1995—1996 йилларда Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Оқсаройда жуда қатта таъмирлаш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Ҳовлида мавжуд бўлган, лекин ёпиб қўйилган безакли саҳн — тўшамалар очилди. Унинг устини қор-ёмғирдан тўсиш тадбири 1996 йилда режалаштирилган эди. Фақат шу иш охирига етмай турибди, йилдан-йилга бебаҳо тўшамалар ёвингарчилик, иссиқ-совуқ таъсирида емирилмоқда.

Шаҳарнинг жануби-шаркий қисмида жойлашган Доруттиловат ва Дорусаодат мажмуалари ҳам Амир Темур ва темурийлар даврининг бебаҳо обидаларидан ҳисобланади.

Доруттиловат мажмуасида Амир Темур томонидан қурдирилган Шайх Шамсиддин қулол мақбараси, Улуғбек томонидан бунёд этилган Кўк гумбаз масжиди, Гумбази Саидон мақбараси ва 1900—1905- йилларда қад кўтарган ҳужралар мавжуд.

Дорусаодат мажмуаси 1380—1404- йилларда тикланган бўлиб, унда бутун Амир Темур авлодлари дафн этилиши мўлжалланган. Ҳозирги кунгача мажмуада Жаҳонгир мақбараси, Темур ўзи учун қурдирган мақбаранинг ер ости қисми сақланиб қолган. 1995—1996- йилларда бу мажмуаларда ҳам жуда катта ҳажмда таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шаҳардаги тарихий ёдгорликларнинг ҳар бири ўз даврининг ноёб дурдонаси, ҳозирги даврнинг эса бебаҳо обидаси ҳисобланади. 1995 — 96-йилларда қайта таъмирланиб, мослаштирилган ўрта аср ҳаммоми ишга туширилиб, шаҳар аҳолиси ва зиёратчилар хизматига топширилди.

Худди шунингдек, XV-XVI асрларда бунёд этилган Чорсу савдо гумбази, Коба карвонсаройи, Чўбан мадрасаси таъмирланиб, шаҳар эҳтиёжи учун фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, XVIII-XIX асрларда бунёд этилган Ҳазрати Имом, Қундузак, Абдишукур оғолик, Молик Аштар, Китоб, Эшон пир қози уйчилик, Кунчиқар масжидлари ҳам сақланиб қолиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Шаҳрисабзда сайёҳликни ривожлантириш бўйича бошқа тарихий шаҳарлар тажрибасини ўрганиб, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Агар шаҳарнинг тарихий қисми алоҳида муҳофазаланиб, "Музей-қўриқхона" ташкил этилса, нур устига аъло нур бўларди.

Шаҳрисабз 2000 йил 28 декабрда ЮНЕСКО рўйхатига киритилди. Шаҳрисабз бу рўйхатга киритилган республикамиздаги учинчи шаҳардир. Эндиликда қадимий Кешни бутун дунё билади. Дунёнинг турли гўшаларидан сайёҳлар келиши кўпаяди. Шунга кўра, шаҳар аэропортини ишга тушириш, меҳмонхонани жиҳозлаш, кўҳна Кешни Самарқанд билан боғлайдиган тез йўлида микроавтобус қатновини ташкил этиш биринчи навбатда бажарилиши керак бўлган тадбирлардир.

Шунингдек, таъмирлаш устахоналаримиз моддий-техника таянчига эга эмас. Мавжуд техникалар ҳам жуда эскириб кетган, асосий ишлар қўл меҳнати билан амалга оширилади. Яна бир муаммо шуки, транспорт ҳаракатидан юзага келадиган силкиниш тарихий обидаларга завол етказмоқда. Агар шаҳарнинг қоқ марказини кесиб ўтган кўчадан автоқатнов таъқиқлаб қўйилса, айни муддао бўлурди. Йўлдан арава ва файтунлар қатнаб турса, бу ҳол Шаҳрисабзга ҳам зиёратгоҳ шаҳарларга хос тароват бағишларди.

Равшан ҚОДИРОВ,
Шаҳрисабз ёдгорликларни сақлаш инспекцияси бошлиғи

Оқсарой пештоқларини арабий хатнинг куфий ва сулс усулларида битилган қуйидаги ҳикматлар ҳамон безаб турибди: "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирғон иморатларга боқ", "Ғўзаллиги жиҳатидин ҳайратланарли ва қўк гумбазлари бўлғон бу бино, пештоқ ва қуббаларинда ўз аксини топғон ва жилвалангувчи машъалага ўхшайдур", "Подшо — Оллоҳнинг ердаги соясидур", "Адолат — давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридур", "Подшоларнинг сўзи — сўзлар орасинда подшодур".

ОҚСАРОЙ — ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ

Нақл этишларича, Амир Темур Соҳибқиронга қайсидир мамлакат подшоҳи "Менга тобе бўл. Сўзимни қабул қилмасанг, уруш очаман", дея даҳдағалар битилган нома жўнатганида ул зот гапни кўпайтирмай бир мисра билан жавоб қайтаради: "Денгиз қушин ёмғир билан кўрқутма". Дарҳақиқат, Амир Темур ҳаётининг анча қисми ўқ ёмғирлари остида кечди. У шу қадар довюрак бўлганки, камон ўқи рўпарасида ҳатто киприк ҳам қоқмаган. Негаки, унинг қалбида адолатга, ҳақиқатга буюк ишонч туйғулари мужассам эди.

Аслида мовий осмон ва ер оралиғида инсон тараққиётнинг бир занжири, холос. Қуёш, само жисмлари абадий, аммо одамзод умри ўткинчи. Бироқ бу фано оламидан боқий дунёга боғланадиган йўл борки, худди ана шу восита улуғ зотлар исми-шарифини мангулик сардафтарига битиб қўйишга боис бўла олади.

Ана шу мақсадда,ҳазрат Навоий ибораси билан айтганда, улуғ подшоҳу саркардалар мовий гумбазлар ҳашаматини кўрганлар, қуёшни зарра деб ўйлаш даражасида маҳобатли қасрлар қуришга жаҳд этганлар. Зотан, Амир Темур келгуси авлодларга қарата: "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!" хитобини обидалар пештоқига бежизга ўйиб ёздирмаган...

Шарқ меъморлигининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, обидалар осмон жисмларига тақлидан аниқ ўлчовлар асосида бунёд этилган. Ўша қаср гумбазлари осмон рангида бўлиб, инсон руҳининг кўкка интилиб туришини билдирган. Энг маҳобатли қасрлар эса самовий жисмлар исми билан номланган.

Мунажжимлик илмидан маълумки, Ой Ернинг доимий йўлдошидир. Бу самовий жисм ёғдулари ўзиники эмас. Балки Ой Қуёшдан нур олиб, ўша

давоми 3-бетда

ШАҲРИСАБЗ — ДУНЁ САЙҚАЛИ

Хивадаги «Ичон қалъа» ва Бухоро шаҳрининг тарихий марказидан сўнг қадимий Шаҳрисабз ҳам ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритилди.

ЮНЕСКО Бош директори Кончеро Машура имзоси билан мамлакатимизга йўлланган ҳужжатда: **«Бутунжаҳон Мероси қўмитаси Шаҳрисабзнинг тарихий марказини Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритди. Ушбу рўйхатга киритилган маданий ёки табиий ёдгорликнинг бебаҳо ва умуминсоний қийматта эга эканлиги эътироф этилади ҳамда инсоният манфаати учун ҳимоя қилиниши зарурдир»**, дейилади.

Кўҳна Кеш етти иқлимда маълум ва машҳур қадимий шаҳар. Лекин шу пайтга қадар неча ёшдалиги номаълум бўлиб келарди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида айрим олимлар шаҳар бундан 27 аср олдин қурилган деган хулосага келдилар. Хўш, бу хулоса тўғрими? Шаҳрисабзнинг ёши нечада? Мухбиримиз шу саволлар билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети археология кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий Саъдуллаевга мурожаат қилди:

ШАҲРИСАБЗ НЕЧА ЁШДА?

— Қадимшуносларимиз мустақиллик боис Ўзбекистон тарихини мукаммалроқ ўрганишга, тарихимизни қайтадан яратишга киришдилар, — дея ўз сўзини бошлади Анатолий Саъдуллаев. — Ўзбекистон тарихининг янгиланиши, қадимий Самарқанднинг ёши ўзгартирилиб, Бухоро билан Хиванинг 25 асрлик тўйи нишонланганлиги бу соҳадаги қутлуғ қадамлардир. Шаҳрисабз ҳам ана шу шаҳарлар қаторида милоддан аввалги IX-VII асрлардаёқ пайдо бўлган.

Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу қадим шаҳардан ҳам, тарихий қўлёзма манбаларидан ҳам кутилмаган янгиликлар топилди. Айниқса, темурийлар даври тарихий ёдгорликларини ўрганиш жараёнида Кеш довруғига довруғ қўшадиган янгиликлар топилди. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами ва шаҳар ҳокимлигининг ҳомийлигида айни кунларда шаҳар ёшини аниқлаш ва уни ҳукумат тасдиғига тақдим этиш учун кенг кўламда археологик тадқиқотлар олиб бораяпмиз. Дастлабки ижодий изланишларимиз салмоқли бўлаяпти. Тарихий археологик маълумотлар ва топилмалар ниҳоятда қувончли.

Сўғдиёнанинг Ерқўрғон (майдони 34 гектар), Узунқир (майдони 70 гектар) ёдгорликларида ўтказилган археологик тадқиқотлар қадимги Сўғдиёна аҳолисининг хўжалиги ва маданиятини ўрганиш имконини берди. Шу ўрнида Наутака (Навтака) ва Ксениппа ерларини тилга олиш жоиздир. Наутака — Янги жой маъносини билдириб, юнон тарихчиси Аррианинг айтишича, Искандар Ҳиндистон юришларини шу ердан бошлаган экан.

Зарафшон тизмасидаги Шўробсой бўйида Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари топилди. Бу манзилгоҳлар милоддан аввал X-IX асрларда мавжуд бўлган. Китобдаги Сангиртепада сарой шаклидаги катта бир иншоот бўлиб, 70 гектарли Узунқир эса воҳанинг ҳарбий ва маъмурий маркази бўлган. Узунқирдан Самарқандгача 70 километр. Бу икки истеҳком ҳам карвон йўлида жойлашган.

Кўриниб турибдики, кўҳна Кешнинг қадимий ўрни бўлган Узунқир қалъаси вилоят маркази ҳисобланган. Сангиртепанинг ўрни эса Наутака ҳокимининг саройи бўлиб, у алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган. Наутаканинг ҳокими Оксиарт бўлиши мумкин. (Бироқ ёзма манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ). Муаррихларнинг таъкидлашича, македонлар забт этган "Сўғд" қалъасига Оксиарт эгалик қилган ва бу қалъа Узунқир ва Сангиртепага яқин бўлган Ҳисор тоғларида жойлашган.

Ксениппа шаҳри Қарши ва Косон шаҳарлари ўртасидаги мудофаа деворлари билан ўралган Ерқўрғон, у Ксениппа вилоятининг маркази ҳам бўлиши мумкин. Косон шаҳрининг номи Ксениппа, Ксенип, Нахшаб сўзларидан келиб чиққан бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Курсий Руф уни "жой" сифатида кўрсатиб, Қашқадарёнинг қуйи чўлларида қадимги замонлардан бошлаб кўчманчи чорвадорлар яшаган даштларга яқин бир ўлка деб таърифлаган.

Сўғд вилоятининг маъмурий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказлари Наутака билан Ксениппадир. Маълумки, Сўғдиёна пойтахтлари муаммоси жуда ҳам қизиқарли. Боиси илк ўрта асрларда Сўғд маркази ҳозирги Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри эди. Кейинги даврларда эса у алмашиниб Самарқанд ва Бухорога кўчади.

Наутака Кеш вилоятининг яна бир номи бўлиб, форсийда "янги жой, макон" маъноларини билдиради. Хитой манбаларида "Сухе" ёки "Сусе" деб ҳам аталган. Олимларнинг таъкидлашича, бу сўз "сўғд" номидан келиб чиққан. Бу сўз "Авесто"да ҳам тилга олинган.

Узунқир атрофидаги топономик номлар, жумладан, Шўробсой, Сангиртепа сўзлари ҳам Наутака номи билан ҳамоҳангдир. Китоб ўрнидаги Кеш шаҳри VII асрда юксак даражада ривожланиб, Хитой билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради. "Буюк Ипак йўли" орқали Кеш савдогарлари Узоқ Шарқ шаҳарларигача етиб борганлар.

Айниқса, Кешда Ахурпат ва Шишпир каби вилоят ҳокимлари зарб этган танга пуллар бутун Сўғдиёна ҳудудида номинал қийматга эга бўлиб, археолог олимларнинг таъкидлашича, маълум вақт жараёнида Кеш Сўғдиёнанинг пойтахти бўлганлигини билдиради. Қадимги Наутака вилояти Зарафшон тизмасидан бошлаб ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Ғузор, Чироқчи туманлари ерларини ўз ичига олган. Сўғдиёна эса Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, қисман Навоий вилоятлари ерларида жойлашган.

Тарихдан маълумки, муаррихларимиз халқларнинг жойлашган чегараларини дарёларга қараб ажратишган. Бундай анъана Марказий Осиё халқларининг тарқалиш ерлари ва чегараларига ҳам хос бўлса-да, муаллифларнинг бу соҳадаги маълумотлари бирмунча умумийроқ. Милоддан аввал X-IX асрларда Узунқир вилоят маркази бўлиб, мудофаа деворларининг 300 метрдан ортиғи ҳозир ҳам сақланиб қолганлиги аниқланди.Сангиртепа эса ўша пайтдаёқ подшо саройи сифатида хизмат қилган. Искандар Зулқарнайн ишғол қилганда ҳам унинг номи Наутака эди.

Милоддан аввалги 329 йилда Бесс Окс (Амударё) дарёсидан Наутакага қараб қочишга мажбур бўлган, икки йилдан сўнг қаттиқ қишда Наутака атрофида македонлар дам олиб яна янги жангларга тайёргарлик кўрганлар. Кейинчалик шаҳарсозлик ҳозирги Китоб қўрғони ўрнида IX асргача ривожланган. Буни археологик қазишда топилган қўрғонлар ва истеҳкомлар ҳам кўрсатиб турибди. Араблар истилосида ва унга қарши Муқанна курашларида яқин атрофдаги шаҳару қишлоқлар батамом йўқ қилинган. Ниҳоят, Кеш ҳозирги ўрнидаги шаҳар сифатида IX асрдан бошлаб равнақ топган.

Китоб (Қат — қўрғон, жой, об — сув, яъни "сув бўйидаги макон" демакдир)ни XVIII асрда Шаҳрисабз беги тиклаган. Ҳозирги пайтда археологларимиз, илмий ходимларимиз ёзма манбалар, ёдгорликлар ва турли осори-атиқалар, археологик топилмаларга таяниб кўҳна Кешнинг 2700 ёшдалигига тўлиқ аниқлик киритишди. Марказий Осиё ёдгорликлари хилма-хиллиги жиҳатидан жаҳонда фахрли ўрнини эгаллайди. Аммо қадимги тарихимизга оид ёзма манбалар жуда кам. Биз Шаҳрисабз ёшини аниқлашда ҳам "Авесто" маълумотлари, аҳамонийлар ёзувлари, юнон-рим манбаларига таяниб тарихий географик маълумотларни археологик манбалар билан солиштириб умумлаштирдик.

ОҚСАРОЙ — ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ

Боши 1-бетда

ёғдуларни Ер шари тарафга йўналтиради. Ана шу боис Ой — зимистон тунларнинг зийнатидир. Ердаги мўл-кўлчилик, экин-тикиннинг баракасию мева-чеванинг ширин таъми Ой шуъалаларига боғлиқ, дейдилар. Шарқ халқларида Қуёшга эмас, айнан Ойга тақлид этишнинг боиси шу билан изоҳланса керак.

Муқаддас китобларда битилишича, Оллоҳ Одам Атони яратганидан сўнг унинг чап қовурғасидан Момо Ҳаво вужудга келган. Шу боис аёл зоти эркакнинг йўлдоши саналади. "Ой" номининг аёллар исмига қўшимча сифатида ишлатилишига ҳам сабаб шудир, эҳтимол.

Бизнингча, "сарой" сўзининг луғавий маъноси ҳам "ой"га тақалса керак. Маълумки, "сар" сўзи форсийда бўлиб "бош" маъносини билдиради. Демак, "сарой"нинг маъноси "Бош Ой", яъни "бош йўлдош" демакдир. Ҳақли равишда савол туғилади: хўш, ўша ялтироқ тошлар, ҳикматли иборалар ила қурилган қасрлар ниманинг йўлдоши? Саволимизга жавобни Оқсарой пештоқларига куфий ёзувида битилган "Султон — Оллоҳнинг ердаги соясидир" иборасидан излаймиз. Оллоҳнинг амри подшоҳ орқали амалга ошар экан, давлат тизгини, фуқаролар хоҳиш-иродаси жилови подшоҳ қўлида бўлар экан, демакки, ҳукмдорнинг Оллоҳ сояси эканлиги аён.

Ер юзидаги ҳаёт эса самовий жисмлар — Қуёш, Ой, Юлдуз орқали ҳаракатга келади. Фасллар алмашинуви, куну тун алмашинуви ҳам Ер шарининг ўз ўқи ҳамда Қуёш ёритқичи атрофида айланишига боғлиқ.

Мантиқан хулоса келиб чиқадики, олий фармон осмон гумбазидан ерга йўналади. Ана шунинг учун ҳам мунажжимлар сабаблар сабабини осмондан излаганлар. Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳам шунчаки ҳашамат учун қурилмагани маълум. Ҳукмдорлар ана шу ҳолатга тақлидан қасрлар бино этганлар ва ўша қасрларнинг Оллоҳнинг осмон жисмларига таъсири нақадар бўлса, сояси, яъни подшоҳларнинг қасрга ҳам шу тариқа дахли бўлган. Демак, ҳукмдор ва қаср — бир бутун, яхлит тушунча. Қаср — ҳукмдорнинг доимий йўлдоши. Қасрнинг энг олий нуқтаси тахтдир. Ҳукмдор пойқадами теккан асосий жой, кўналға "пойтахт", дея аталган. "Тахт" сўзининг "шай", "муҳайёлик" маънолари ҳам бор. Аён бўладики, давлат тузуми, устуни тимсоли саройга келиб тақалади.

Амир Темур ҳазратлари таваллуд санасини мунажжимлар осмон жисмларининг энг саодатли тарзда бир нуқтага келиб қолгани билан изоҳлашади. Шунинг учун ҳам ҳазрат саодатпешалик ила "Куч — адолатда" шиорини илгари сурди. У феодал тарқоқликни бартараф этишга ўз умрини бағишлади, улкан салтанат тузди, Шарқу Ғарб осойишталигини таъминлади.

Улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишига қараганда, Амир Темур амакиси Ҳожи Барлос Хуросонга кочиб кетаётганида унга шундай дейди: "Мамлакат агар ҳокимсиз қолса, ул мамлакатда юз паришонлик воқиъ бўлуб ва бўлғон эл-улус мухолифлардин хароб бўлғайлар. Маслаҳат ул турурким, сиз Хуросон сори борсангиз, мен Кеш вилояти сори ёнғаймен ва эл-улусқа кўнгул бериб, келган беклар билан йарашиб, хон хизматиға борғайменким, вилоят хароб бўлмағай ва раъиятларким, ҳазрат Парвардигорнинг бандалари турурлар, заҳмат ва ташвишга тушмағайлар". Бу сўзлар Соҳибқироннинг адолат ила осойишталик ўрнатишга шашти нақадар баландлигидан далолат берарди.

Соҳибқироннинг Кешда тартиб-интизом ўрната бошлаганини Низомиддин Шомий шундай васф этади: "Амирлар унинг пешонасида бахту иқбол нишонасини кўришгач, Амир Темур Соҳибқироннинг муҳаббати уларнинг дилидан жой олди. Уни азиз тутиб улуғ боболарининг вилояти бўлмиш Шаҳрисабз тумани ҳамда (шаҳарга) тегишли атроф ерлар ва музофотларни (унга) топширдилар. Подшоҳ (Туғлуқ Темур)га итоат қилганлиги учун уни мақтадилар. (Амир Темур) Ҳузордан жўнаб Кеш шаҳрига еткач, у жойдан то Амударёгача бўлган ерларда аскар тўплади. Оз муддатда кўп аскар йиғди.

... Амир Соҳибқирон подшоҳ қабулида бўлиш ва унинг парваришини қозониш шарафига етишди. Ҳукм бўлдики, Кеш вилоятининг тумани унга топширилсин ва ўн минг киши унинг фармонида ва қарамоғида бўлсин".

Моварoуннаҳрдек улкан салтанат тузишни Амир Темур Кешдан бошлаган эди. Ана шу боис ота-боболари юртига юксак ҳурмат-эҳтиром ила қаради. Манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон оғир жангу жадаллар олдидан Шаҳрисабзда тўхтаб, аждодлари руҳидан қувват олган. Жанглардан кейин ҳам шу шаҳарга келиб нафас ростлаган, парвардигорга шукроналар айтган. Мазкур шаҳарга "Қуббат ул-илм вал-адаб" номи берилгани бежиз эмас. Негаки, илм-фан, одоб машъаласи айнан шу шаҳардан юксакка кўтарилган.

"Қадимги Кеш — Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар" китобида ёзилишича, Амир Темурда 1370 йилдан сўнг Самарқандни давлатнинг биринчи пойтахти ва Шаҳрисабзни иккинчи пойтахти ҳамда ёзги қароргоҳи қилиш тўғрисидаги фикрлар бир вақтда пайдо бўлади.

Оқсаройни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Р.Клавихонинг сўзларидан равшан бўладики, Амир Темур Оқсаройга то умрининг охирги йилларига қадар сайқал бердирган. Саройни безатишда уммон ва ер остининг ноёб тошларидан фойдаланилганида ҳикмат кўп. Негаки, турли-туман жило тарқатувчи маъданлар инсон руҳиятига ором берган, ақлу заковатини чархлаб турган.

...Кўҳна Урганч ҳудудида Тўрабекхоним мақбараси бор. Марказий Осиёнинг бу нодир обидаси гумбази айланасига Оллоҳнинг 99 исми битиб қўйилган, дейишади. Ҳозир шулардан 20таси сақланган. Гумбаз айланаси осмонни эслатади: тўрт буржи бор - бу тўрт фасл аломати. Ўн иккита юлдуз ўн икки ойни билдиради ва 365 нуқта орқали йилнинг шунча кундан иборат эканлигига ишора қилинади. Гумбаз айланасидаги нақшлар бир-бирига шўнчалик уйқашиб кетганки, ўша чизиқларни қайдан бошланиб қайда тугашини аниқлаш мақсадида кўз тиксангиз, толиқиб қолади. Бу эса, фано оламининг нақадар мураккаб ва тушуниш мушкул эканлигига аломат.

Ҳа, дарҳақиқат шундай. Яратганнинг иши ёлғиз ўзигагина аён. Пурвиқор тоғлар бир нафасда саҳрога айланади, саҳролар ўрнида қасрлар қад ростлайди. Бу билан Оллоҳ қудрати сира ҳам камайиб қолмайди, ошиб ҳам кетмайди. Зотан, Навоий ҳазратлари лутф этганлари каби:

Не сунъунгдин ажаб юз минг
жаҳон бўлмоқ яно пайдо,
Не мулкингга халал юз минг
жаҳондек бўлса нопайдо.



Кўк гумбаз масжиди.

Бироқ инсон зотининг яратувчилик қуввати келгуси наслларга ҳайрат бахш этаверади. Алалхусус, мақоламиз аввалида айтганимиздек, ўзини "денгиз қуши" санаган Амир Темур Соҳибқирон жангу жадаллардан ортиб, улкан бунёдкорлик ишларини режалаштиришга, барпо қилишга қай йўсинда вақт топганига, хусусан, Оқсаройдек мўъжизани рўёбга чиқарганига ақлимиз бовар этмайди. Аммо биз бу обидаларга қараб Соҳибқирон куч-қудратини тасаввур қиламиз, ҳақиқатан ҳам ул зотнинг Ер юзида камдан-кам кишига инъом этиладиган куч-қувват, ақлу заковат, иймон соҳиби бўлганини ич-ичимиздан тан оламиз.

Оқ ранг — она сутининг ранги. Оқ ранг — сулҳ ранги. Оқ байроқ билан қон тўкилишининг олди олинган. Оқ тус — Ойнинг, хотиржамлик, осойишталик, роҳат-фароғатнинг ранги. Демак, айни кунда ЮНЕСКО ҳимоясига олинган Кешнинг бош обидаси — Оқсарой тинчлик тимсолидир. Учинчи мингйилликнинг илк йили баҳорида бизга етиб келган мазкур мужда эзгуликдан далолат, келажагимиз буюк эканлигидан бир нишонадир.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

«Темурбекнинг зоди буди Кешдин учун, шаҳар ва пойтахт қилурға кўп ва хўб эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешти бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи (навоҳа) беклари била девон беклари ўлтириб девон сўрар учун, икки кичикроқ пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтирур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик токчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берилур. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур».

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

Оқсарой биноси қурилишига доир ривоятларнинг бирида айтилишича, Соҳибқирон Амир Темур ўз ватани Шаҳрисабзда улкан иморат барпо этишни режалаштиргач, бош меъморни ҳузурига чорлаб, унга ўз фикрларини билдиради. Шунда меъмор ўзини давлат хазинасига элтишларини сўрайди ва Соҳибқироннинг кўзи ўнгида тиллаларни лой билан қориштириб, ғишт ясайди. Бу ғиштларни бўлғуси бинонинг тамал тоши учун ишлатишини айтади. Шундан сўнг, Амир Темур ўз ишини бамайлихотир кузатганини кўрган бош меъмор ғиштларни синдириб, тиллаларни хазинабонга қайтаради. Меъморнинг мақсади Соҳибқироннинг улкан ва гўзал иморат яратиш истаги қанчалар кучли эканлигини кўриш ва катта харажатлар талаб этса ҳам Соҳибқирон бу сарфу харажатларга рози эканлигига ишонч ҳосил қилиш, шундан кейингина қурилиш ишларини бошлаш мумкинлигини айтиш экан.

Бозор НАМОЗОВ

ШАҲРИСАБЗНОМА

Менга куйсиз дунё керакмас,
Одам билан олам мунаввар.
Юлдузи бор осмон юксакмас,
Қуёшим бор, умрим мусаххар.
Даҳоларнинг силсиласида,
Темурийман нетонг, кўздекман.
Шаҳри Кешнинг пешонасида
Мағрур турган битта ўзбекман.
Тарихларда афсонам менинг,
Шаҳрисабз — ягонам менинг.

Уч минг йилки ўтмишдан сўйлар
Узунқирнинг уйғоқ қалъаси.
Ипак йўли сингари нурлар
Асрлардан эзгулик саси...
Лол қотди-ку, буюк Искандар
Йўл тўсганда Кеш канизаги.
Ахурпатнинг аҳдлари қадар
Битилмаган Турон тилаги.
Асли ўзинг зархонам менинг,
Шаҳрисабз — ягонам менинг.

Шарқу Ғарбда қуёшдай балқди
Яккалам деб ҳайқирган ўғлон.
Олти аср денгиздай қалқди,
Соҳибқирон улғайган замон.
"Қуръон"ни эл учун ўпганлар,
Уйим деди кўҳна Туронни.
Эл-улусни ёниб қучганлар,
Болам дейди ҳар бир инсонни.
Кўзи йўлда парвонам менинг,
Шаҳрисабз — ягонам менинг.

Мўъжизали шаҳарлар кўпдир,
Кўпдир Кешдай кўҳна диёрлар.
Аммо юртим меҳри маҳбубдир,
Оқсаройдек васлига чорлар.
Кўксингни оч, эй ёруғ жаҳон,
Темур бўлиб тиклади қаддин.
Минг йилларки ҳар қандай шамол
Тўколмади заррача қадрин!
Ҳам қувончим, ҳам онам менинг
Шаҳрисабз — ягонам менинг.

Минг бир гиёҳ гуркираб ётар,
Мироқининг мовий бағрида.
Муқаннанинг эрки-ку Ватан —
Оташдайин кўчди қалбига.
Кумушланар ҳадсиз Ҳисорак,
Кўзгу каби акс этар осмон.
Шўх тўлқинлар чалади чапак,
Шаҳрисабз — муқаддас макон.
Унда отам ҳам онам менинг,
Шаҳрисабз — ягонам менинг.

Қайда бўлмай бу дунё — бешик,
Киндик қоним тўкилган тупроқ.
Онажоним кузатган эшик
Кўчоғидай очиқдир мутлақ.
Остонасин қучмасам магар
Бош қўйорман энг сўнгги дамда
Бахш этмасам боримни магар
Нима қолур мендан оламда.
Шеърим умри кошонам менинг,
Шаҳрисабз — ягонам менинг.



Кўк гумбаз масжиди ва Гумбази Саидон мақбараси.

АДИБ ТАҚДИРИ

*Достон**

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлайман

МУҚАДДИМА

Қаҳрамонлик надир?
Маккор ёв ногоҳ
Ҳужум бошлаганда тикмоқликми жон?
Ё халқини этиб хатардан огоҳ,
Кўкрагини тутиб бўлмоқми қалқон?
Ҳаётин қолдириб қилич дамида
Ҳақиқат кўзига тик боқмоқ балки?!
Ўзидан воз кечиб, халқнинг ғамида
Зулмат аро битта шам ёқмоқ балки?!
Қаҳрамонлик учун мезон турфадир,
Ҳар қадамда мардлик содир бўлади,
Гоҳо битта ҳақ сўз умрга татир,
Битта нопок ишдан шаънинг сўнади.
Ўлиб кетмоқ мумкин бир ўққа учиб,
Бир ноўрин сўз деб отилмоқ мумкин.
Ғаним қармоқ солса, алдоққа учиб,
Хиёнатга ботиб, сотилмоқ мумкин!
Мард ўғлон гаровга қўйиб жонини
Ўз эли шаънини қилса ҳимоя,
Номард аҳли ютиб гоҳ иймонини
Ғанимга эргашар мисоли соя.
Онасидан тониб, Ватандан тониб,
Бегона юртлардан қидириб паноҳ.
Гадодай бир бурда нонга зор қолиб,
Умрини саргардон ўтказар гумроҳ.
Ҳаёт сийласа ҳам, берса ҳам азоб
Ватан — Ватан эрур,
Она — онадир.
Бир бошда тақдирнинг кори беҳисоб,
Қай кимса, айтингиз, юртдан тонадир?!
Бошга иш тушганда элга суяниб,
Муқаддас Ватанга сақлаб садоқат —
Саид Аҳмад каби яшамоқ ёниб
Асл қаҳрамонлик, айни жасорат.

АДИБ:

...Умр нима ўзи?
Бир чимдим қулгу
Туғилмоқ ва ўлмоқ оралиғида.
Ҳеч бир жон, ҳеч нарса эмасдир мангу
Ҳаёт ҳар сония шамшир тиғида.
Шу тиғ тортилгунча ўтган фурсатда
Ҳалол тура билмоқ улкан жасорат.
Иймонинг пок бўлса, ҳатто қулфатда
Оғритмас қалбингга етган жароҳат.
Агар қаҳқаҳамга тўлса чорбоғим,
Агар тарк этмаса лабимни қулгу.
Шу қаҳқаҳа аро дилдаги доғим
Ва кўз ёш ўрнида тўкилган инжу.
Мен қулиб йиғладим ва йиғлаб қулдим,
Болалик, йигитлик, балоғат фаслим.
Етмиш бир ёшимда қайта туғилдим,
Доғдан халос бўлди насабим-наслим.
Эҳ-ҳе, ўшангача кечган умримнинг
Ҳар куни мисоли қулгили достон.
Бир бор ширин кулсам,
Аччиқ қулдим минг,
Ҳандаларим аро дардларим пинҳон.
Ватаним ҳурликка эришган куни
Қайта таржимаи ҳолим бошланди.
Тарк этиб босириқ тушли уйқуни
Илк бора қувончдан кўзим ёшланди.

ШОИР:

Оқсоқол ўрнидан вазмин қўзғолиб,
Оҳиста одимлаб чиқар чорбоққа.
Ғайрат зўру, борар қувватдан қолиб,
Ҳатто ғугурт чақмоқ малол ўчоққа.
Ошхўр улфатлар ҳам энди сийракроқ,
Қон босими баланд,
Ҳазми қийинроқ.
Касод бўлиб турар косову ўчоқ.
Палов емаса ҳам бақувват даҳан,
Ойна каби тиниқ хотиралари.
Дилда элга айтар гапи бор экан,
Тарк этмагай илҳом аталган пари.
Қани энди Худо лутф айлаб бир бор
Эллик йил орқага қайтарса умрин.
Кўрсатиб қўярди ишлашни такрор.
Эллик йил... Дарвоқе...

ЭЛЛИК ЙИЛ БУРУН

— Отанг халқ душмани, ё тонасанми?
— ...
— Аканг халқ душмани, ўзингга аён.
— ...
— Гапир, душманлигинг тан оласанми?
— ...
— Илоннинг боласи барибир илон...
Олиб чиқ!

Яна зах камера ичра,
Хаёлда чизади терговчи расмин.
(Кимнинг иродасин этмоқда ижро,
Инсон унинг учун беқадр хасми?)
Фашистдан баттарроқ совуқ башара
Азроил турқини эсга солади.
Ўликхона каби бадбўй камера
Бетон жон-жонингни сўриб олади.
Кунлар иродангни қилар имтиҳон,
Туҳмат ва риёга кўнармикансан?
Собит қолармикан эътиқод, иймон
Ва ё найрангига унармикансан?
Сўнгги нафасгача лафзингда туриб,
Қилурмисан виждон поклигин исбот?
Сендан ғолиб чиқиб ҳийла ва фириб,
Олиб қолмасмисан "сотқин" деган от?
Хўш, кимга хиёнат қилган бўласан,
Она-Ватангами,
Ёки халқингга.
Баски, Ўзбекистон сенга чин Ватан,
Ўзбеклар туғишган азиз халқ сенга.
Уларга сен нечун қилгунг хиёнат,
Сен уларга қандай бўлурсан душман?
Бу қандай разолат,
Қани диёнат?
Наҳот, бу терговчи Миррихдан тушган?
Бу қандай тергову,
Қандайин усул?
Арзинг тинглагувчи бир зот бўлмаса?!
Ўзинг асра Худо,
Мадад бер, Расул,
Бир бандага бунча бедод бўлмаса?!

* * *

Тонг отар, кун ботар,
Йўл ўша-ўша:
Захлаган камера — тергов хонаси.
Савол ўша-ўша,
Ўша томоша,
Додлаб юборгудай инсон боласи.
Тун оғиб бормоқда.
Сархуш терговчи
— Айт, — дер, — оласанми бўйнингга айбинг?
(Маҳбус ҳеч кўрмаган бундай эговни,
Уйқусиз кўзларин ўқдай қадайди).
Терговчи столни муштлаб бақирар:
— Жисминг чиритаман ёлғиз хонада.
— Сен айт, айбим нима,
Топган бўлсанг гар...
— Тузумни булғадинг пана-панада,
Аксилинқилобий гапларни айтиб,
Одамлар онгини заҳарлагансан.
Халқ душмани бўлган шоирлар байтин,
Ўқиб, ғоямизни пучқоқ, дегансан.
— Бу бўҳтон, бу туҳмат?
— Латифалар-чи?
Тагдор латифалар тўқиган сенми?
Хориж журналидан саҳифаларни
Йиртиб олиб, элга ўқиган сенми?
— Чет тилни билмайман...
— Гап тамом!
— Туҳмат!
— Тонма, ҳамкасбларинг беришган сўйлаб.
Уларнинг қилмишин сен ҳам очиқ айт,
Шунда гуноҳингдан кечаман, ўйла!
Ҳали у адибу, ҳали бу шоир
Номларин атади сўкиб, лаънатлаб.
Уларнинг "душманлик иши"га доир
Кўргазма беришни қилар у талаб.
Яъни, ўз жонини сақламоқ учун
Дўстга туҳмат қилмоқ йўлига бошлар.
Бошидан муздай сув қуйгандай чўчиб,
— Мен сотқин эмасман! — бақириб ташлар.
— Нечун дўстларимни сотайин сенга
Халқини сотмасми дўстни сотганлар?
Мен муҳтож эмасман илтифотингга,
Отсанг мени отгил, айбим бўлса гар!
— Шошилма, отишга улгурамиз ҳам,
Сендай қайсарларнинг кўпин отганмиз.
Ноилож ғўлдирар бошин қилиб хам.
— Олиб бор, эсини йиғсин бетамиз.

ШОИР:

ГПУ аталмиш бу сирли даргоҳ
Тузум қиёфасин қилар ифода.
Айбсизлар бўйнига илингай гуноҳ,
Калтаклар зарбидан синар ирода.
Шунда синдирдилар ўчкор Чўлпоннинг
Пўлатдай тобланган иродасини,
Шунда сўндирдилар норғул Усмоннинг
Қалбидан отилган оташ сасини.
Ватаним ҳур бўлмиш дея алданиб,
Хоржидан юртига қайтган мўйсафид —
Мулло Сўфизода Муҳаммадшариф
Совуқ остонада этилди шаҳид.
Манфур истибдоднинг калтакларидан
Қодирий гавдаси бўлди лоларанг.
Пурҳикмат Фитратнинг ўтли қалбидан
Суғуриб олинди эрксевар оҳанг.
Барига бир хилда тамға босилган:
Яъни "халқ душмани", "Ватан хоини".
Бирови отилган, бири осилган,
Шу жаҳаннам сўрган улар қонини.
Улар душман бўлса,
Халқнинг ўзи ким?
Наҳот фарзандига қушанда махлуқ?!
Ахир бу дардларга борми бир ҳаким,
Наҳот сўрашга ҳам бўлмаса ҳуқуқ.
Халқини ҳур кўрмоқ орзуси агар,
Ватанининг озод бўлмоғин қўмсаш,
Эркин нафас олиш туйғуси агар
Душманлик аталса,
Бу қандайин "кашф"?
Билмайсан на йиғлаш, на қулишингни,
Бу қандай кўргилик, қандай синоат?
Қўрқувдан кемирса эту ичини
Дунёни даҳшатга солган салтанат.
Бир бутун жамият вос-восга ўхшаб
Титраб турса ўзин ҳар аъзосидан.
Одамлар душманни қидирса қақшаб,
Қариндош-уруғу дўст-ошносидан?!

ХАЁЛИЙ УЧРАШУВ

— Ассалом алайкум, Саид Аҳмад ака!
— Саида, бу ерга ким қўйди сани?
— Йўлим тўсадиган ўша ким экан,
Соғиндиму, ўзим келдим кўргани.
Соғлигингиз қалай, озиб кетибсиз,
Кўзларингиз жуда қолмиш киртайиб.
— Ўзингдан гапир-чи,
О, бечора қиз,
Порлоқ тақдирингни қилдимми майиб?
— Нега ундай дейсиз, менинг қисматим
Сиз билан боғланган, минг бор розиман.
Умрим бўйи сезмай Сизни истадим,
Бахтли қилолдимми Сизни ўзи ман?
— Мен сени бахтга ёр қилмоқчи эдим,
Ўзим бахти қаро бўлиб ётибман.
Ўкинмаяпсанми? Билмоқчи эдим.
— Ўкинчмас, шубҳалар ичра ботибман...
Оёқ узиб қолди ёру дўстлар ҳам,
Кимга ишонишни билмай ҳайронман.
Бугун пўрим раис бўлдию ҳакам
Союздан қувишди,
Шундан нолонман.
— Наҳотки?! Сабаби нима экан?
— Сизни
Халқ душмани, дея қилди ҳақорат.
— Эҳ, аттанг! Ўшандоқ шоиримизни
Фитналар домига тортмиш ниҳоят.
Ахир, биларди-ку, сафдошларининг
Босган қадамию олган нафасин.
Гуноҳкор этсалар касбдошларини
Рози бўлаверса чиқармай сасин.
Балки, ҳимояга отланмоқ учун
Монелик қилгандир катта мансаби.
Эҳтимол, сиқувлар кўрсатиб кучин
Тўғри айтасиз, дер Афанди каби.
Ҳар қалай шоирда бўлади инсоф.
— Қўйинг, сиз оқламанг...
— Ҳа, ҳа, сен инон,
Буларнинг коригa беролмагай тоб,
Кимга ширин бўлса мансаб ёки жон.
Кеча Ёнғин билан юзлаштирдилар,
Шўрлик бошин уриб ёргудай бўлди.
— Нега? Наҳот, уриб азоб бердилар?
Ношудлигин сезиб аламга тўлди.
Билмадим, нималар ваъда қилишган,
Менга, бошқаларга қўймишлар қайраб.
Жон ширин кўриниб, ҳар бир танишга
Бўҳтон ёғдирибди тўтидай сайраб.
Ўшандай ғариблар кўргазмаси, деб
Қай бир камерада Шуҳрат азобда.
Қайдадир Шукрулло ётар қамалиб,
Ҳамид Сулаймон ҳам минг изтиробда.
— Раҳмат, миннатдорман сендан, Саидам!
— Йиғламанг, чорасиз ғаним йиғласин!
— Дилим йиғласа ҳам, тош қотди дийдам,
Жондан ўтиб кетди судраб қийнаши.
У ёқда нима гап?
— Таҳлика, ғулув.
Ҳамма бир-бирига боқади ҳуркиб.
Ҳар кеча кимнидир қамашади-ю
Қўшнилари яшар баттарроқ қўрқиб
"Ўзбекистоним" деб ёзган ўлани
Туфайли бошида ёнғоқлар чақиб,
Гўдакдай беозор Туроб Тўлани
Ишдан ҳам бўшатиб, қилурлар таъқиб.
Нима бўлганда ҳам, биз очиқдамиз,
Амаллаб кўряпмиз бир кунимизни.
Ўзингиздан сўйланг, бирор бетамиз
Уриб, майиб қилиб қўймасми Сизни?
— Кошки урса эди, ишлатса кошки,
Мундоқ чиқармидим ёруғ дунёга.
Розиман кемирсам ҳаттоки тошни,
Ташна бўлиб кетдим нурга, зиёга.

Туни билан сўроқ, бирпас ухлашга
Имкон бермайдилар то тонгга қадар.
Хаёлда йўқ гаплар тегади ғашга,
Терговчини кўрсанг, совуқ нақадар.
Кечир, ҳасрат халтам очилиб кетди.
Ойим бечоранинг аҳволи нечук?
— Дуруст. Сталинга яна хат битди,
Ёлбориб: ўғлимнинг гуноҳин кечинг!

— Тавба, етармиди у ёққа?

* * *

— Маҳбус Ҳусанхўжаевни сўроққа...

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР

Олис Жезқазғоннинг Бетпақдаласи,
Сиёсий маҳбуслар лагери бунда.
Хас каби беқадр инсон боласи
Бош кўтарса қутар бир ўқ ё кунда.
На суд, на айбловчи ва на ҳимоя
Барига "тройка" чиқарган ҳукм.
Изида соқчилар мисоли соя
Гўё сотиб қўяр давлатни маҳкум.

Ўт тушса бўлмасми бундай тузумга
Ким уни сотару ким харидор?
Кўз илғамас қафас — социализмга
Душман аталганлар ҳайрону абгор.
Анов чол умрида сиёсат нима,
Давлат ўзи нима, қизиққан эмас.
Анов бола солар қандай ваҳима,
Унга қиз қўлин бир ушламоқ ҳавас.
Нариги бечора деҳқон фарзанди,
Тўрт йиллик урушда кечиб келган қон.
Кеча жангчи эди, бугун-чи, банди,
Унда не гуноҳу
Ундан не гумон?!
Қорин тўйдирмоқдан ўзга ғами йўқ,
Шўрлик меҳнаткашнинг айби нимадир?
Ишлашдан бошқага топмаган ҳуқуқ,
На зарра бахт топган, на зарра қадр.
Давлат тўнтариши у ёқда турсин
Маҳалла раисин танимас ҳатто.
Бир амаллаб ўтган "ЧСБ" курсин —
Насабин ёзса ҳам қилади хато!?
Шулар орасида Ҳусанхўжаев —
Уч-тўртта китоби чиққан ёш адиб.
Гоҳо хуноб бўлар ич-этини еб,
Баъзан мийиғида кўяди кулиб.
Мухбир бўлиб кезган халқ орасида
Бунёдкор меҳнатни ёниб мадҳ эттан.
Водийларни жойлаб кўз қорасига,
Турфа рангда диёр васфини биттан.
Борингки, ёзувчи фикрловчи зот,
Дунёни бошқача кўргиси келар.
Инсон яшасин дер юртида озод
Орзудай жамият қургиси келар.
Ва лекин ақлига сиғмаган асло,
"Буюк салтанат"дан юртни ажратмоқ.
Бўғзидан олгунча даҳшатли риё
Ҳамдам бўлган қалам, қоғозу бўёқ.
Бугун Бетпақдала тутқунгоҳида
Кўриб қисматдошлар аҳволи зорин,
Бошида бир чақмоқ чақар гоҳида
Оташли бир исён қуршайди борин.
Ҳурлик деб хўрликни олиб келмишлар
Зиё деб зулматга қилмишлар дучор.
Тафаккур чаманин пайҳон этмишлар,
Ҳақ ва адолатга йўл бермай зинҳор.
Қўшнини қўшнига айғоқчи қилиб,
Дўстлар орасига раҳна солмишлар.
Сукут сақлаганни писмиқ ёв билиб,
Сўзлаганнинг тилин юлиб олмишлар.
Она-Ўзбекистон, менинг жисмимда
Билсамки, бугун Сен тутқун ва банди.
Жудо бўлмоққача келдинг исмингдан
Алданиб, қўл-оёқ, фикринг боғланди.
Фарзандларинг тонсин дину тилидан
Унутсин ҳаттоки насабин, наслин.
Ана шундай қабиҳ каслар хилидан
Иборат экан бу тузумнинг асли.
Кимга айтиб бўлар бу дардни, ё раб?!
Тутқунхонада ҳам қўпдир айғоқчи.
Йиллар ўтаётир кун, ҳафта санаб,
Алмашиб турибди бошлиқ ва соқчи...

* * *

Ногоҳ бешинчи март тонготарида
Миш-миш тарқаб кетди бўлмалар аро:
— Сталин ўлибди!
Бу хушхабардан
Воқиф эмас эди ҳали фуқаро.
Ажал ёвузликдан келди, деб ғолиб,
Маҳкумлар қувониб ичдан кулсалар,
"Энди нима кечар салтанат ҳоли?"
Ташвиш ичра эди оми кимсалар.
Ҳа, "доҳий" ўлди. ғўё у билан
Зулм ва ҳақсизлик, разолат ўлди.
Кунлар, ойлар ўтиб, турмаларда ҳам
Адолат насими эсгандай бўлди.
Гўё иш тутилди ҳур давлатта хос
Сталин, Берия ноҳақ топилди.
Минглаб маҳкум бўлди кишандан халос,
"Халқ душмани" деган ишлар ёпилди.

ҚАЙТИШ

Сиҳатгоҳ эмас-да турма дегани
Териси ёпишиб этсиз суякка,
Она Тошкентида юраги ёниб
Вагондан сакради Саид Аҳмад ака.
Кўксини тўлдириб оларкан нафас,
Кўзларидан дув-дув тўкилди ёши.
Муҳаббатин изҳор айлади бесас:
— Бормисан, ҳузурбахш, ҳаётбахш Шошим!
Мана, бағрингдаман Худога шукур,
Пок ўстирган эдинг, покман умрбод.
Туҳмат, хусуматлар этса-да таҳқир,
Юқтирмадим сенинг шаънингга иснод.
Куйчи фарзандингни хизматингга ол,
Кўрку тароватинг куйлаб ўтайин.
Ҳатто дашномингни кўрмасман малол,
Ҳар бир юмушингга елкам тутайин.

Сенга муҳаббатим — элга меҳримдир,
То тирикман, унга содиқ қоламан.
Меҳр ўрганмадим,
Энди бир умр
Озодлик илмидан сабоқ оламан.

* * *

— Соғ-омон қайтдингми Сайид Аҳмад, болам,
Дийдорингни насиб этди-я, Худо!
Халлослаб, кўзидан қуйилиб жала,
Мушфиқ она бўлди қошида пайдо.
Қоқсуяк жисмини бағрига босиб,
Киртайган юз-кўзин ўпиб дам-бадам,
Отаси тирилиб келгандай шошиб,
Унутиб қўйганди ўзлигини ҳам.
Беш ойлик висолнинг ўтли тотига,
Беш йил азоб билан бадал тўлаган,
Тимсол бўлиб аёл садоқатига
Саидахон келар, кўзи намланган.
Кичрайган шундоқ ҳам ихчам жуссаси,
Гул билан баҳслашган, ранги синиққан.
Аммо шижоатли нигоҳи, саси,
Ҳижрон оловида ишқи чиниққан.
Икки азиз бошни силаб, ардоқлаб,
Қадам босар экан остонасидан.
Ҳувиллаб қолган уй кетди чарақлаб,
Афзал эди шоҳлар кошонасидан.
Ахир, унга беш йил мадад бахш этган
Шу икки муштипар дуосимасми?
Эзгу ниятларни хатта нақш эттан
Ҳам умидвор кутган шулар эмасми?

* * *

Тинглаб онасининг мунгли ҳасратин,
Саиданинг дардли ҳикояларин,
Алғов-далғов бўлар яна фикрати,
Ўйлаб коммунизм пуч ғояларин.
Эртадан кечгача бахтни куйлаган
Ватан — мустамлака, эл бўлса қарам,
Бошидан айрилса буни ўйлаган
Қайдан бўла олсин инсон мукаррам?!
Йўлларинг мунча ҳам олис ва қалтис,
Эй, Инсон эрки деб аталгувчи бахт?
Қачон кашф этаркан бандаи ожиз,
Мунчалар сирлисан, олий Ҳақиқат?

ШАЙХЗОДА САБОҒИ

Умрнинг беш йили ўтди бесамар,
Бу бедодлик корин ким айлагай шарҳ.
Не билан қопланур бу мажҳул зарар
Адиб шому саҳар хаёлларга ғарқ.
... Ногаҳон "Союз"да бир йиғин бўлди,
Келдилар қамоқдан бўшаганлар ҳам.
Сийраклашиб қолган зал қайта тўлди,
Йиғилди саргузашталаб кўп одам.
Ноҳақ жабр ҳўрган аламзадалар
Бир-бир кўтарилди очиқ минбарга.
Ҳар кимнинг талаби ҳар хилдир магар,
Кўплар жазо сўрар қаматганларга.
Бири титраб-қақшаб, бирови йиғлаб,
Гўёки мажлисдан олар аламин.
Сўнгида Шайхзода — донишманд, кенгқалб
Чиқдию кўтарди аста қаламин.
— Дўстларим мен чиқиб келгандан буён
Бир достон битувдим.
Изн берсангиз.
Ўқиб бермоқчиман, (ҳамма лол, ҳайрон)
Нашрга топширгум маъқул кўрсангиз.
"Тошкентнома" янграр, ҳамма тин олиб,
Эриб ўлтирарди шеърнинг сеҳридан...
Табаррук пойтахтнинг кўрку жамоли
Очилиб борарди шоир меҳридан.
Мажлис аҳли тинглар сукут, ҳайратда,
Юксалиб борарди шоир дам-бадам.
Меҳр шунчалик ҳам бўларми катта,
Шунчалик ҳам буюк бўларми одам?..
Сўнгги мисралари интиқ қалбларнинг
Олқиш, қарсагига қўмилиб кетди.
Устоз очиқ қолган қанча дафтарни
Тўлдиришга шу кун илҳом бахш этди.

ШОИР:

Кулишни билмаган — йиғлашни билмас
Икки ҳисдан маҳрум сўхтадир, аён.
Ҳаётга чуқурроқ кирмоқ керак, бас,
Инсоннинг олами унда намоён.
Шу турфа оламни кашф айлагали
Адиб жўнаб кетди дала-тузларга.
Ажиб ҳикоялар келган маҳали
Байрам бўлар эди содиқ дўстларга.
Ишга тушиб кетган шимариб билак
Ҳар ҳафтада бир мактуб битарди адиб.
Одамлар дунёсин очиб, шу билан
Ўзини қайта кашф этарди адиб.
...Мана жавондаги жилд-жилд китоблар
Инсонга муҳаббат билан йўғрилган.
Димиққан хонада эмас, йўқ, булар
Йўлларда, чўлларда туғилган.
Ана "Уфқ", бамисли Ватан тарихин
Нақшинкор бўлаги дардли бўлаги.
Инсон тақдирининг рангдор таърифи,
Гўё уриб турган ҳаёт юраги.
Турфа ҳикоялар жиддий ва ўйчан,
Замон ҳар бирига босган муҳрини.
Тасвирлаб беради синовдан ўтган
Замондош бардоши, қаҳри-меҳрини.
Бошига не кунлар солса ҳам тузум,
Чин инсон қолади инсонлигича.
Жанг чоғи номардлар кетсалар тўзиб,
Мардлар қолаверар ўғлонлигича.
...Ана ҳангомалар — ҳажву хандалар,
Асл ўзбек доим кулгуга мойил.
"Келинлар" дунёни кезиб, бу сафар
Мағрур Амриқони қолдирди қойил.
Демакки, кўкракка муштлаб, ваъз айтиб
"Ватаним, халқим" деб юргандан кўра,
Унинг фазилатин, келганда пайти
Намойиш айламоқ афзал минг карра.

* * *

Истиқлол — бедардлар ўйлаган каби
Эмасдир осмондан ёғилган чалпак.
Бу мазлум ўзбекнинг асрий матлаби,
Бу йўлда қанча жон бўлгандир ҳалак.
Ўн йилки, оқсоқол фикрни қайраб,
Шу йўлни тасвирлар ҳикояларда.
Гоҳо далаларни кезади яйраб,
Бугуннинг нафасин тўкар дафтарга.
Вазмин қўзғолади ўрнидан адиб,
Эҳтиёж сезилар баъзан асога.
... Машинка чиқиллар, боз руҳга тўлиб
Меҳнат айланади гўё давога.
Навоийни эслаб пичирлар лаби:
"Азизим, дунёга бевақт келибмиз!"
Бугун туғилганлар, йигитлар каби,
Саксонда ҳам норғил бўлишар, шаксиз.
Шулар билан бирга кексайсам эди,
Ватан ўзимники, осмон беғубор,
Энди яшамоқнинг фурсати келди,
Аммо боз саксон йил яшашим душвор".
Оқсоқол кўнглидан кечган туйғуни
Ёниқ нигоҳидан сезаман доим.
Ўзинг дилга солган порлоқ орзуни
Ўзинг ушатақол, қодир Худойим!

ЙЎҚЛАМАГАН ҲАР КУНИНГ...

"Умр йўлларимнинг содиқ ҳамроҳи",
Наҳот, ярим йўлда қолдириб кетдинг.
Шерик эдинг қўкка ўрласа оҳим,
Қувонч келгунича нечун тарк этдинг?
Сенсиз кирдим олтмиш, етмиш ёшга ҳам,
Турфа унвонларга бўлдим сазовор.
Ёлғиз Нодирамиз бахт топди бекам,
Набиралар камол касб этди қатор.
Дердингки, "Хўрликка кўникиб қолдик,
Ажабланмай қўйдик камситишларга.
"Сўқмоқлар" туфайли тўқмоқлар едик
Беписандмиз энди ғам-ташвишларга.
Саломатлик бўлса, омон бўлса бош,
Бир кун қадримизга етади замон"
Тегай деганида елкага қуёш
Сен дорулбақони айладинг макон.
... Ёлғизгина қолиб Қаҳҳор боғида,
Ўтираман унинг чироғин ёқиб,
Намоён бўласан ҳорғин чоғимда,
Етти ранг атласда қуёшдай балқиб.
Овозинг туяман лаҳза-балаҳза,
Менинг қисматимни аввал билгандай,
Сен ғазал ўқийсан синиқ бир сасда:
"Йўқолмаган ҳар кунинг йилча бўлурми
ҳай-ҳай..."
Менми йўқламаган, сен-ку шоирам,
Йилга тенг кечмоқда сенсиз ўттан кун.
Энг олий бойлигим — ёркин хотира,
Ғанийман эл аро, лек сенсиз юпун.
Бирга кўрсайдик бу дориломонни,
Эслаб юрсак ёшлик шўхликларин ҳам.
Пайпоққа яширган қанча "червон"ни
Сездирмай кафтингга босардим, эркам.
Кўпайиб бормоқда ёшимиз фарқи,
Сен эллик бирдасан,
Мен саксон бирда.
Орзуларинг қулган комрон кунларни
Кўрмоқ бор экан-да, менга тақдирда.
Бизни ғурбатларга этган мубтало
Салтанат қулади,
Ўзбекистон — ҳур.
Бугун куйлар эдинг қандай хушнаво,
Созингга булбуллар бўлар эди жўр.
Сену мендан ортиқ ким ҳам биларди
Ҳурлик, озодликнинг юксак қадрини.
Қўш булбул сингари наво қилардик,
Яна кўтармоқ-чун Ватан қаддини.
Шу қутлуғ кунларга етмадинг, магар,
Менга насиб этди ундан насибанг.
Сенинг ўрнингга ҳам айтиб шукрлар
Ёниб куйламоқлик менинг вазифам.
Шу боис қаламим тинмас бир нафас,
Шу боис қалбимни тарк этмас илҳом.
Олам Ватанимга қиларкан ҳавас,
Нечун кўтармайин ғурур тўла жом?!

ЮРАКДАГИ МАКТУБ

Муҳтарам Президент, азиз жигарим,
Менда хушомадга қолмаган майл.
Аммо юрагимда кечган ҳисларим,
Туролмайман Сизга изҳор этмайин.
Галдаги қатағон халқим бошига
Ногаҳон довулдай солганда даҳшат,
Юртнинг каттаси ҳам унинг қошида
Оёғи қалтираб кутди марҳамат.
Галдаги афсона — "ўзбеклар иши" —
Баҳона тўлганда ҳибсхоналар,
Сўнгги бурда нонин олиб кетишиб,
Чирқиллаб турганда она-болалар,
Москов минбаридан Сиз адл туриб
Бундай разолатга очганда исён,
Талвасада бошин ҳар ёнга уриб,
Ҳолсизланиб қолди манфур қатағон.
Ўксук кўнгилларда умид уйғонди,
Очиқ яраларга бўлдингиз малҳам.
Халқимнинг бошига Сиздай ўғлонни
Соябон эттанди яратган Эгам.
Бир томон тиғ тутган ул қотил тузум,
Бир томонда эса якка ўзингиз.
Ҳайратда қолдириб дунёнинг кўзин
"Салтанат" русумин тамом буздингиз.
Жону жаҳонингиз қўйиб гаровга,
Балоларга этиб кўксингиз қалқон,
Писанд ҳам қилмасдан найрангбоз ёвга,
Ватан истиқлолин этдингиз эълон.
Ёзмадим мен Сизни мақтамоқ учун,
Аммо ҳақиқатдан кўз юммоқ — гуноҳ.
Сиздай раҳнамони алқамоқ бурчим,
Бахтим — шу кунларга бўлганим гувоҳ.
У кун кўрсатдингиз ғурур, ўзликни,
Дунё минбарида бўлиб намоён.
Сизнинг сиймонгизда қарам ўзбекни
Халқ дея қайтадан таниди жаҳон.
Ўн йилки, Ватаним ростлар қаддини,
Дунё кўз ўнгида қудратга тўлиб.
Кўкка кўтардингиз халқим қадрини
Баҳодир Темурнинг ворниси бўлиб.
Ғанимга тегар гоҳ ғаламисларинг
Четдан бош кўтариб ғингшиб, ҳуриши.
Мисоли уйини тарк этганларнинг
Даъво қилганидай ундан улуши.
Сизнинг сиймонгизга тош отар улар,
Озод шу элминнинг бахт-иқболига.
Халал бермоқ бўлар, панд бермоқ бўлар,
Ватаннинг нурафшон истиқболига.

ХОТИМА

Бугун бир ўғлонинг баҳонасида
Сенинг қисматингдан сўйладим, халқим.
Сабру бардошингга ўқиб қасида,
Ҳурлигингни яйраб куйладим, халқим.
Сенинг тақдирингга боғлиқ тақдирим
Битта тирноғингман, онажон — Ватан.
Иқболим ёритмиш истиқлол нури,
Яшнасанг — яшнайман, куйсанг — куяман.
Зеро, яшнаш асринг бошланди энди,
Дунёни ҳайратга солурсан мангу.
Шаҳид аждодларим ёркин умиди —
Ўзбекистон бўлиб қолурсан мангу.

* Газета варианти

ШОИРИ БОР ЮРТЛАР ҚОЛМАҒАЙ ЯККА...

Анвар ОБИДЖОН

ШОИРЛИ ЮРТ

ёхуд Чўлпон тушимда ўқиган шеър

Дўст бўлиб келганга саховати нақд,
Юртимнинг бағри кенг, жо бўлар ҳар ким.
Ўзбек зоти, бироқ жуда катта халқ,
Қуллик зиндонига сиғмайди халқим.

Эй, юртим ғаними, келма тиғ ушлаб,
Илжайма, оғуни яшириб енгга.
Биласан, юртимга илк қадам ташлаб,
Энг олдин юзма-юз бўлишинг менга.

Ёт узатган нонда не сир яширин,
Ҳаммадан илгари шоир сезади.
Шу боис, келтирса қуллик занжирин,
Қулдор, шоир овлаб, ўлка кезади.

Балки айш сурарсан шилиб теримни,
Бўғзимдан суғириб оларсан жонни.
Мендан ололмайсан лекин шеъримни,
Мендан ололмайсан Ўзбекистонни.

Бу юрт — онам ва у туну эрталаб
Қотилимга ўчкор нигоҳ ташлайди.
Шеърларим бирма-бир ханжар тутамлаб,
Тўрт томондан сени қуршай бошлайди.

Шоири бор юртлар қолмагай якка,
Юрт қиличи синса, шоир қалқондир.
Ҳар шеърим дўнар минг жангчи ўзбекка,
Жамланган шеърларим Ўзбекистондир.

Нафрат уммонига бўлмай туриб ғарқ,
Эй ғаним, жимгина қайтарсан балким.
Минг уруғли ўзбек жуда катта халқ,
Қуллик зиндонига сиғмайди халқим.

ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Ер деган юпанчиқ бағирда
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.
Сен қайиқ, мен қайиқ наҳрда,
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.

Аразлар висолга раҳнадир,
Ҳасадлар заҳарли қаҳвадир,
Бу дунё беш кунлик саҳнадир,
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.

Бу даврон мангу деб адашма,
Зебу зар — сохта бир карашма,
Куйканиб шоҳсупа талашма,
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.

Бировлар бўлай деб ягона,
Таянчу меҳрдан бегона,
Жўр бўлиб таратсак тарона,
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.

Лаҳзалик қўшиқмиз аслида,
Ер азал тириклар қасдида,
Устига сиғмасак, остида —
Жой етар сенга ҳам, менга ҳам.

ЭЗГУЛИК МАНГУДИР

Бу оламда олдингдаги ош омонат,
Бино қўйган қасрингдаги тош омонат,
Шодлигу кўзёш омонат, бош омонат,
Яхшилик ўлмагай, дўстлик ўлим билмас.

Ёмонлик даштида доим ёвлик унар,
Қуёшдан айрилса ҳатто ой ҳам сўнар.
Ўт ва шам бирлашса чароғонлик қўнар,
Яхшилик ўлмагай, дўстлик ўлим билмас.

Ёмонликда бадномлик бор, шуҳрат йўқдир,
Тарқоқликда мағлублик бор, қудрат йўқдир,
Пок ният бўлмаган жойда ибрат йўқдир,
Яхшилик ўлмагай, дўстлик ўлим билмас.

Қаро мақсад юқса тоза дилни бузар,
Ноаҳиллик солар юртга, элни бузар,
Миллатни чоҳга етаклар, йўлни бузар,
Яхшилик ўлмагай, дўстлик ўлим билмас.

Яхшилик излабон пайдо бўлар шоир,
Дўстлар билан дарё бўлиб тўлар шоир,
Улардан айрилса, тирик ўлар шоир,
Яхшилик ўлмагай, дўстлик ўлим билмас.

ЭСКИ САҲНА

Бу дунёда ҳамма артис деган гапни шоиринг зап топиб айтган-да. Ўйлаб қарасам, менам кў-ў-п артисликлар қиппан...

Уста Абдуқаҳҳор сўзидан

Бу дунёда ҳамма жой саҳна,
Бу дунёда ҳаммамиз артис.
Дам сахий — сиз, мен — тубан зиқна,
Дам одил — мен, ёвуз эса — сиз.

Саҳнада биз доим ёнма-ён,
Гоҳ алмашар зумда ўрнимиз.
Сохта инграб, кулдириб ёлғон,
Қизармайди ҳатто бурнимиз.

Биров қуйлар фалсафий ўлан,
Биров луқма ташламоқ бўлар.
Биров не-не ҳайқириқ билан
Оломонни бошламоқ бўлар.

Кимдир солар фикримга раҳна,
Ким учундир ўйиним қалтис.
Тураверар бир жойда саҳна,
Ўйнайверар галма-гал артис.

Гар жазава юқса барига,
Ёппа жаврар, тинглагучи кам.
Чангти чиқиб фазо қаърига
Ғарқ бўлишга сал қолар олам.

Минг шукурки, биз — аҳли ўжар
Жар лабига терилсак гоҳо,
Ҳақ амри-ла саҳнага чиқар
Чин истеъдод, ҳақиқий даҳо.

ОВОЗИДА МЕҲР БОР ЭДИ...

Миркарим Осим билан учрашувлар

Ҳаммамиз атоқли ёзувчи Миркарим Осим билан бошланғич синфларда учрашамиз. Тўмарис афсонаси, Широқ афсонаси, бола Алишернинг саҳрода Шарафиддин Али Яздий билан учрашувлари эндигина шаклланаётган зеҳнимизда ўрнашиб қолади. Кейин юқорироқ синфларда Ибн Сино ҳикоялари, Ўтрор қиссаси ва бошқа кўпдан-кўп асарларни ўқиймиз. Шу тарзда Миркарим Осим деган ёзувчи узоқ-яқин тарихларнинг ўткир билимдони, жасур бир инсон қиёфасида тасаввуримиздан кетмайди.

Мен дастлаб домла Миркарим Осимни 59—60-йиллари бошкентимизнинг Навоий кўчасида жойлашган нашриёт йўлакларида кўрганман. "Ғунча" журналига энди ишга кирган пайтларим эди. Таҳририятимиз учинчи қаватда, Адабиёт ва санъат нашриёти эса тўртинчи қаватда эди. Миркарим ака бизнинг йўлакларимиздан ўтиб қоларди. Бир куни дўстларимдан бири: "Ана, Миркарим Осим, танийсанми?", деди. "Асарларини ўқиганман, аммо ўзларини кўрмаганман", деб ёзувчимизни ортидан кузатиб қолдим. Жуда ғалати бир ҳол: у киши йўлакнинг ўртасидан эмас, бир четидан, нақ деворга тегиб кетар даражада энг чеккадан кетаётган эди. Бу бир тасодифий ҳолдир, деб ўйладим. Аммо ҳар сафар ҳам уни шу ҳолда кўрардим. Ҳар кўрганда салом берардим. Секингина пичирлаб алик оларди, юзимга қарамасди, қараса ҳам эътиборсиз назар ташларди. Болаликда бизнинг "Остона печи" деган ўйинимиз бўларди. Оддий қувлашмачоқдан фарқи шунда эдики, қочаётган бола қўлларини деворга қўйиб "Остона печи!", деб қичқирса, тамом, ортиқ уни қувиш мумкин эмасди. Бу таъқиқланарди, девор гўё унга паноҳдай. Домланинг нашриёт йўлакларида юришлари бизнинг ўша "Остона печи" ўйинимизни ёдга соларди... Наҳотки Тўмарис ва Широқ, Жалолиддин ва Темур Малик каби қаҳрамонлар қиёфасини яратган бир инсон шу қадар эзилган, бечораҳол бўлса, деб ажабланардим. "Кўрқоқ одам" деган таассурот қолдирарди одамда. Нега бундай? Нега энди? — деб ич-ичимдан аччиқланишга ўхшаш бир норозилик бош кўтарарди. Бир куни шу ҳақда гап очилганда бир дўстим: "Билмайсанми, домла қамалиб чиққан... Турмада кўп азоблаб, домлани шу кўйга солиб қўйишган", деди. Кейин "Ғунча" журнали масъул котиби Маҳмуд Муродов домланинг таржимаи ҳолини гапириб берди. 1918 йилдан "Шамс улурфон" мактабида, 1921 йилдан Ойбек ва Хомил Ёқубовлар билан бирга Тошкент педтехникумида ўқиб, 1926 йили Москва пединститутига кирган экан. 1930 йили институтни тамомлагач, Ўзбекистон маориф халқ комиссарлигида, кейин илмий-тадқиқот таълим илмгоҳида ишлаган экан. Қанча-қанча қўлланма, тавсиянома ва дарсликлар яратган экан. Бадиий асарларнику, қўяверинг. Шундай олим, ёзувчи, таниқли педагог бир неча марта қатағонга учраган. Сўнгги марта 50-йиллари қамоққа олинган экан. "Турмада қаддингни ғоз тутиб, ўртадан юришинг ҳам золимларнинг ғашини келтиради, қўлларингни кўтартириб, деворга суянтирганча савалаб жазолайдилар. Миркарим ака ўша пайтлардан бошлаб бир четдан юришга одатланиб қолганлар", дер эди Маҳмуд ака. (Маҳмуд аканинг ўзи ҳам Сталин қатағонининг таъмини тотган, сиёсат ҳақида жуда кам гапирадиган педагоглардан эди.)1967 йили мен ёшлар (ҳозирги "Чўлпон") нашриётига ишга ўтдим. У ерда жўшқин қалбли, хушчақчақ шоир Қудрат Ҳикмат хизмат қиларди. Бир куни иш юзасидан Қудрат аканинг уйига бордим. Суҳбат мавзуи айланиб Миркарим акага тақалди. "Домла бизга қўшни. Юр, зиёрат қилиб чиқамиз", деди у. Бордик. Жуда камтарона танчали бир хонада Қуддус Муҳаммадий билан гаплашиб ўтиришган экан. Суҳбатларига қўшилдик.

— Миразизни танийсизми, Миркарим ака? Сиздай мирлардан. Болаларга яхши шеърлар ёзади, — деди Қудрат ака.

— Қани, домлаларга "Китоб" шеърингни ўқи-чи...

Мен тараддудланиб қолдим.

— Ўқинг, ўқинг, — деди юмшоқ овоз билан Миркарим ака. Бу овозда шундай бир далда, меҳр бор эдики, ўзимни тутиб олиб, ўқишга тушдим:

Китоб нима десалар,
Китоб —офтоб дедилар.
Ишонмайман бу гапга,
Ўхшамайди офтобга.
Офтоб ахир кечқурун
Кўзга кўринмай қолар,
Тунда унинг иссиғи
Бизга билинмай қолар.
Китоб эса тунда ҳам
Мени ўқи, деб қистар.
Ўқисангиз тушда ҳам
Қалбингизни иситар...

— Дуруст, — дедилар домла. — Китобни севасизми? Севиш керак.

— Домла, — дедим, — биз суҳбатингизни бўлиб қўйдик. Агар мумкин бўлса, келган жойидан давом эттирсангизлар, биз ҳам баҳраманд бўлардик.

Устодлар

Қуддус ака билан икковлари кўз уриштириб олишди.

Сўнг Миркарим ака дедиларки:

— Биз ҳам китоблардан гаплашаётган эдик. Навоийнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарини ўқиганмисиз?

— Йўқ, афсуски, ўқимаганман.

— Ўқинг, жуда ажойиб китоб. Навоий "Асарлар"ининг 14-жилдида босилиб чиққан.

— Навоий бир океан! Унинг ҳар бир мисраси бир ҳикмат! Мана, қаранг, бобомиз: "Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл" дейдилар, — деб гапни илиб кетди Қуддус ака.

Миркарим ака бирдан кула бошлади.

— Бизнинг буюкларимиз жуда донишманд бўлишган-у, аммо соддаликлари ҳам бўлган. Эсингиздами, Қуддус, ҳазрат Жомий Навоийнинг уйига келганларида ҳовлида бир-икки товус бўлади. Жомий ҳазратлари Навоийга қараб:

— Биласизми, товус жуфт бўлмай тухум қўяди, баъзи бир пайтлар эркагининг кўзидан бир томчи сув модасининг кўзига томиб, ўша томчи тухм моддаси бўлади, — дейдилар ва: — Бу гапни Хусрав Деҳлавий баён қилганлар. Ул киши Ҳиндистонда яшаган, кўрмаган бўлса ёзмасди, — деб қўшимча ҳам қиладилар.

Навоий Жомийдек улуғ одамнинг ишонч билан сўйлашини кўриб, бу гап тўғри ҳам, ёлғон ҳам демай сукут сақлайди. Шунда Жомий: "Нега жавоб бермайсиз?", деб сўрайдилар. Навоий: "Балки Ҳиндистонда товуслар шундайдир", — дейди. Жомий таажжубга тушади: "Қизиқ, сиз Хусравнинг сўзи муболаға ҳам демадингиз, рост ҳам демадингиз", дейди. Навоий нима дейишини билмай турганида, бирдан бир нар товус югуриб, модасини босиб жуфт бўлади... Шунда Жомий: "Бундай тасодиф камдан-кам бўлади, шубҳа йўқ бўлиб, масала исботи кўринди", дейди.

Ҳаммамиз бараварига хахолаб кулдик. Билдимки, Миркарим ака ишончли, кўнгилга яқин кишилари даврасида хушчақчақ ҳам бўларкан, ҳақиқий ҳикоячилик хусусиятлари шундайгина кўзга ташланаркан-қўяркан.

Кейин ҳам мен Миркарим акани кўп кузатдим. Мени тонг қолдирган бир жиҳатлари шуки, у кишини доим "Турон" кутубхонасининг ўқув залида кўрардим. 50 ёшдан ошган одамнинг кун бўйи қироатхонада эски газит-журналлар ва китобларни титиб ўтириши ноёб бир ҳодиса эди. Мен у кишидан бўлак бирон ёзувчини қироатхоналарда бундай кўп тарих титиб ўтирганини кўрган эмасман.

80-йиллари Миркарим ака билан ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида учрашдим. Биз ёшимиздаги қарийб 30 йиллик фарққа қарамай, дўстлашиб қолдик. Ҳар куни тушликдан сўнг боғларни бирга айланардик. Дастлаб келган кунларим сайрга таклиф қилганида, мен: "Домла, кечирасиз, ишламоқчиман", десам, "Юринг, сизга бир гап бор", деди.

— Овақатдан кейин ҳеч қачон ишга ўтирманг. Чунки бундан фойда чиқмайди. Одамнинг бутун аъзойи бадани 20 минут давомида ҳазм билан, еган-ичганингизни тақсимлаш билан овора бўлади. Барибир ишлолмайсиз, яъни вужуд бир пайтнинг ўзида икки ишни қилолмайди. Озгина юриб, жисмингизга ёрдам беришингиз керак, — деди Миркарим ака. Ўша-ўша, то ҳозиргача, емакдан сўнг тез ишга ўтирмайман.

Боғларни айланарканмиз, олмазорлар, теракзорлар тагига бошларди. Хазонларни шитир-шитир босиб кетардик.

— Чидасангиз ялангоёқ, хас-чўплардан чўчисангиз, шиппак билан дарахтлар тагида юринг. Оёқ остидаги ялпоқлар, ўтлар, титилиб ётган тупроқлардан куч ўтади вужудингизга, — деб пайпоқсиз шиппакда аста-аста одимлаб борарди.

Адабиётдан, таржимадан, санъатдан баҳслашардик. Домланинг ҳозирги замон шеъриятидан ҳам батафсил хабардорлиги мени ҳайрон қолдирарди. Зулфия опанинг шеърларини тадқиқ қиларди. Ёшларнинг шеъриятидан сўзларди.

Бир куни Эркин Воҳиднинг "Руҳлар исёни" достонидан гаплашдик. Мен: "Бу достон Эркин ижодининг энг юқори нуқтаси", дедим. "Тўғри, — деди домла, — бу достон ҳақиқатан ҳам жуда ўткир. Халқнинг эрк ва озодлик ҳақидаги армонларини тўғри ифодалаган. Фақат, биласизми, мени шоирнинг қаҳрамонни четдан олгани таажжубга солади. Назрул Исломдек шахслар Туркистонда ҳам кўп эди-ку!", деди.

Яна бир куни таржималардан баҳслашдик.

— Таржима дегани ўз халқига хизмат қиладиган асарни ўгириш дегани... Бизнинг таржимонларимиз дуч келган асарни таржима қилаверишади, — дедим мен. — Мактабда ўқиб юрганимда бир "Санжар ботир" деган романни ўқигандим. Бир амаллаб, тишни тишга қўйиб ўқиб чиқдим. Бир томондан, асар бениҳоя зерикарли. Иккинчи томондан, яна босмачиликка қарши курашлар тасвирланган. Ахир, "босмачи" деган сўзни бизга босқинчилар ёрлиқ қилиб осишган-ку! Наҳот, одам ўз миллатига қарши битилган асарни таржима қилишга рози бўлса... Ундан кўра оч ўтирган яхши эмасми?

— Ким таржима қилган экан у асарни?

—Ёдимда қолмаган...

Пиқ-пиқ кулди.

— Нега куласиз, домла? — дедим мен.

— У китобни мен таржима қилгандим, — деди. Бир ёруғ, равшан кўзлар билан менга очиқ қаради. — Сизларнинг шундай деб ўйлашларингиз, шундай деб гапиришларингиз менга ёқади, — деди. Сўнг босинқи, ғамгин бир аҳволда деди:

— У китобни таржима қилишни менга топширгандилар... Йўқ дейишнинг иложи йўқ эди... Мен фақат миллий жиҳатдан нотўғри тасвирларни сал-пал тузатиб кетдим...

Мен шундай яхши ёзувчини бир йил овора қилиб, хоҳламаган ишини қилдирганлари, бу — ўзбек адабиёти учун қандайдир йўқотиш десаммикин, бой бериш десаммикин, бир изтиробли ҳодиса бўлгани тўғрисида ўйладим.

Худо раҳмат қилсин, муҳтарам домламиз Миркарим Осимни.

Миразиз АЪЗАМ

УСТОЗЛАРНИНГ ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАЛАРИДАН

Носир ФОЗИЛОВ

ЁЛЧИМАГАН ЭКАНМИЗ-ДА...

Устоз Абдулла Қаҳҳор эллигинчи йилларда бир гуруҳ маданият ходимларига бош бўлиб, Ҳиндистон сафарига бориб келди.

У пайтларда бундай сафарлар унча русум бўлмагани учун ёзувчилар сафар таассуротларини Абдулла аканинг ўз оғзидан эшитиш иштиёқида уюшмага йиғилишди. Йиғин ўша пайтдаги уюшма биноси — 1-май кўчаси, 20-уйда бўлди. Унинг бошланиши олдидан одамлар Абдулла акани фойеда ўраб олишиб:

— Қалай экан Ҳиндистон? — деб сўрашди.

Устоз бирпас жим қолди. Назаримда сафар чоғида кўрганларини тағин бир бор хаёлидан ўтказди: Ҳиндистоннинг бош шаҳарлари Деҳли, Бомбей, Калкутта... Бу шаҳарлардаги Бобурийлар сулоласидан сўнг инглизлар даврида қурилган кенг ва равон кўчалар, муҳташам иморатлару ғиштин кошоналар... Кўча юзидаги бой-бадавлат дўконлар...

— Ҳа, энди, нимасини айтай, — деди Абдулла ака кулгичлари ўйнаб. — Колонизаторга ҳам ёлчимаган эканмиз-да...

Ҳамма жим бўлиб қолди. Эллигинчи йиллари бунақа гапни сира ҳам айтиб бўлмасди-да!

Абдулла ака ҳаммани ҳайрон қолдириб, секин йиғин бўладиган залга кириб кетди.

ГАЗАК

1957 йил. Тошкентда қорақалпоқ адабиёти ва санъати ўн кунлиги ўтаётган кезлар эди. Ёзувчилар уюшмасида қорақалпоқ ёзувчиларининг асарлари муҳокама қилинар, унга Абдулла ака бошқош эди. Аччиқ-чучук гаплар авжига чиқиб, устознинг асаблари ниҳоятда таранглашганини сезиб турардик.

Хуллас, танаффус эълон қилиниб, ёзувчилар, munaққидлар ўзларини буфетга уришди. Жумладан, Абдулла ака ҳам буфет пештахтаси олдига бориб, ўзига келиб олиш учун бўлса керак, юз грамм ароқ сўради.

— Газагига нима бор? — деб тағин сўради устоз. Кайфияти чатоқроқ экани шундоққина билиниб турар эди. Буфетчи чаққонлик билан бир бўлак гўшт кесиб тақсимчага солди-да, Абдулла аканинг олдига суриб қўйди.

— Бу ниманинг гўшти?

— Оқ қўйники, Абдулла ака... — деди шу ерда турганлардан бири хушомад кўрсатиб.

Абдулла ака башарасини бир буриштирди-ю, қўлида турган ароқни лўқ этказиб ичиб юборди.

Кимдир чаққонлик билан ҳалиги гўштни санчиқда Абдулла акага тутди. Устоз "кераги йўқ". дегандай бошини сарак-сарак қилди-ю, муштини ҳидлаб жавоб берди:

— Ароқни ҳаром қилади.

АРМОН

Абдулла ака Масковда даволаниб ётганларида, у киши ётган хона ҳамиша Тошкентдан келиб хабар олувчилар билан гавжум бўлар, бунинг устига ёр-биродарлар Тошкентдан тез-тез қўнғироқ қилиб, устоздан хабар олиб туришар экан. Булар орасида Шуҳрат ака, Одил ака, Пиримқул ака, Озод ака ва ҳоказолар бор. Абдулла ака ҳам зерикканиданми ё бошқа бирон гап борми, ишқилиб, ўзидан хабар олувчиларни қора лидерин муқовали китобининг ички томонига рўйхат қилиб бораркан. Кибриё опанинг гапларига қараганда, ўша рўйхатда камина ҳам бор экан, Масковга боролмасак-да, устознинг аҳволидан телефон орқали тез-тез хабар олиб турардик-да!

Устознинг бу одати Кибриё опанинг ғашига тегибди чамаси, бир куни сўрашга журъат этибди:

— Абдулла ака, нима азоб сизга келган-кетганни ёзиб?

— Мен бу рўйхатни зерикканимдан қилаётганим йўқ, хоним, — дебдилар қандайдир бир ички армон билан. — Пушти камаримдан бўлган бир эмас, икки фарзандим бор. Ўшалар ҳам шу рўйхатга илиниб қолармикан, деган умидда қиляпман.

Ҳа, Абдулла аканинг аввалги оиласидан иккита ўғли бор эди. Устознинг бу армонли гапини эшитиб, фарзанди ноқобилларнинг оқибатсизликларидан, ҳатто ўгай онанинг ҳам боши хам бўлибди.

ТАБАССУМКОРОНА

Илгарилари Ёзувчилар уюшмасида бўладиган анжуманлар ниҳоятда муноза-раларга, баҳсларга бой, ниҳоятда асабий ўтар эди. Балки шунинг учундир, ёзувчи зоти борки мажлисларга тугал қатнашар эди. Ҳозирги ёшлар билишмайди: уюшма 1 май кўчасидаги 20-уйга жойлашган бўлиб, унинг мажлислар зали ниҳоятда ҳавоси паст, бунинг устига кашандалар тинмай чекаверганидан зал ичи хира тортиб, одамлар бир-бирларини ғириширада зўрға кўриб ўтирардилар.

Мажлис оғаси икки соатлик танаффус эълон қилди-ю, залда ўтирганлар ўзларини эшикка гурра уришди.

Миртемир ака Шайхзода домла билан жуда иноқ эди, йўлакка чиқиб, бирпас кутиб турди. Шайх ака ичкаридан чиқиб келди. У ниҳоят чарчаган, асаблари таранглашган бир аҳволда эди. Ўзининг машҳур "Казбек" папиросини олиб, биттасини оғзига солди. Кўзойнагини рўмолчаси билан авайлаб артиб, қайта тақди.

— Тамадди масалаларига қандай қарайсиз, домла? — деб сўради Миртемир ака.

Шайх ака одатдагидек баландпарвоз жавоб қилди:

— Тўрт кўз билан табассумкорона қараймиз-да!

Икки дўст кула-кула йўлга тушишди...

УЗР

Шайхзода домланинг ёшлар таҳририяти билан алоқаси ҳавас қиларли даражада эди. У кишидан шеър сўрасак бирон марта ҳам "Йўқ" деган пайтлари бўлган эмас. Айниқса, "Гулхан" журналига.

Жазирама ёз кунларидан бирида журналимиз ходими Наримон Орифжонов домланинг уйига бориб, қўнғироқ тугмачасини босибди. Ичкаридан "Ҳозир!" деган товуш эшитилибди.

Домла мутахассислар уйининг тўртинчи қаватида истиқомат қилар эдилар. Бунақа жазирамада тўртинчи қаватнинг тандирдай қизиб кетишини "дом"-да яшайдиганлар жуда яхши билишади. Бир маҳал "шип-шип" оёқ товуши эшитилиб, сўнг эшик очилибди. Ичкаридан дим ҳаво Наримоннинг юзига гуп этиб урилибди.

— Ассалому алайкум, домла.

— Э, ваалайкум... Келсинлар, келсинлар. Жужуқлар таҳририятига оташин саломларимиз бўлғай. Буюрсинлар, Орифжон акамнинг ўғиллари, — дебди домла ичкарига мулозамат қилиб.

Наримон бундай қараса, домла эгнида фақат трусигу сомон шляпада турганмиш. Бу аҳволни кўриб ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай шошиб қолибди. Шунда домласи тушмагур ўзининг қарийб қипяланғоя турганини фаҳмлаб қолиб, дарҳол узр сўрабди:

— Кечирасиз, Орифжон акамнинг ўғиллари, ғалстук тақмабмиз-да... Узр, узр!

ТАКЛИФ

Қозоқларнинг Туманбой Мўлдағалиев, Қодир Мирзалиев деган шоирларини яхши билсангиз керак. Иккаласи бир йилда, бир ҳафтада таваллуд топишган, битта университетда бирга таҳсил олишган. Ижодларини ҳам бирга бошлашган, қадрдон, маслақдош, ҳазилкаш шоирлар. Туманбой Олмаота вилоятида, Қодир эса Ўролда туғилган.

Замонлар ўтиб, шоирларнинг бо йиллик таваллуд тўйлари нишонланадиган бўлибди. Иккаласиники бир ҳафтада ўтиши лозим экан. Туманбойнинг тўйи ҳафтанинг бошларига тўғри келиб, Катта театрда гуриллаб ўтаётганида Қодир сўзга чиқибди. Аввал дўсти ҳақида обдон гапириб, сўзининг сўнгида:

— Ҳурматли меҳмонлар, азиз дўстлар! — дебди залдагиларга қувлик билан. — Менинг таваллуд тўйим ҳам шу ҳафтада ўтиши керак. Каминанинг Туманбой билан қанчалик ва қандай дўст эканлигимизни яхши биласизлар. Шундай бўлгач, Туманбойнинг тўйи менинг тўйим. Ҳойнаҳой, таклиф қилсам, барибир, Ўролга боролмайсизлар. Узоқ! Шунинг учун мен сизларнинг барчангизни таваллуд тўйим муносабати билан чин кўнглимдан Туманбойнинг дастурхонига таклиф қиламан.

— Ҳотамтой бўлиб кет-э! — деб юборибди кимдир залдан.

ОШ

Рўзи Чориев деган ниҳоятда истеъдодли, ниҳоятда меҳнаткаш, ниҳоятда серзавқ, ниҳоятда серсоқол рассомимиз борлигини яхши биласиз. Ўзи асли Сурхон тарафдан. Шунинг учунми ё болалар уйида тарбия кўрганиданми, гапирганида ўрисча. ўзбекча, баъзан эса тожикча сўзлар аралашқуралаш бўлиб кетади. Унинг бу услуби ўзига жудаям ярашади.

Ўша одам мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бирида юртга ош берадиган бўлиб қолибди. Шунда баъзи бир ҳазилкаш ҳамкасблари Рўзи акадан қитмирлик билан сўрабди:

— Тақсирим, менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ. Қип-қизил етимман. Болалар уйида тарбияланганман, деб юрардингиз-ку? Энди кимга ош беряпсиз?

— Тўғри, худди шундай... — дебди Рўзи ака кулиб. — Бо бизга сенинг отанг ҳам, онанг ҳам коммунистлар партияси, деб қулоғимизга қуяди. Мана энди десангиз компартия адойи тамом бўлди. Проста ўлди! Ўшанга ош беряпман, жўра...

Бу шунчаки бир ҳазил. Ҳазил бўланда ҳам тагида зили бор ҳазил. Бўлмаса инсон отасиз, онасиз дунёга келмаслигини ёш бола ҳам билади. Илоҳим, Рўзи акамизнинг қилган эҳсони Парвардигоримизнинг ҳузурларида инобатга ўтиб, волидаи муҳтарамасию падари бузрукворининг иймонлари саломат, жойлари жаннатда бўлсин. Омин!

Маданият ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Тошкент давлат Консерваторияси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Абдураҳимовага онаси

Розия Дилмуродова

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2509. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.